

Da'vat

Bu yorug' olamda onadek mehribon, otadek g'amxo'r, har birimiz uchun aziz va mo'tabar bo'lgan ulug' zot bu muallim va murabbiylardir.

Islom KARIMOV



Ma'rifat

Kuch - bilim va tafakkurda

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqqa boshlagan

2004-yil 1-oktabr, juma

№ 80 (7689)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устозлар!

Қадрли ўқитувчи ва мураббийлар!

Авваламбор, халқимизнинг эзгу орзуси бўлиши баркамол авлодни тарбиялашдек мураккаб ва олижаноб ишга ўз ҳаётини бағишлаган сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Табиийки, устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бирга, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб, адо қилиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади. Зотан, бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва муътабар бўлган улуг' зот бу муаллим ва мураббийлардир.

Ўзининг бор меҳри ва қалб кўрини болаларга бериш, уларнинг ҳаётига маъно бағишлаш учун ўз ором ва ҳаловатидан воз кечиб, дунёда билим ва маърифатдан қудратлироқ куч йўқ эканини йиллар, асрлар давомида исботлаб келаётган сиз, муҳтарам устозлар олдида бугун бош эгиб ҳар қанча таъзим қилсак, шаънингизга энг гўзал ташбеҳлар айтиб, самимий тилақларимизни изҳор этсак, арзийди.

Доимо эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топган, эъзозлаб келинган ўқитувчилик касби, айниқса, бугунги кунда янада катта масъулият ва маъно-мазмун касб эътиборини ҳозирги шиддатли замон, олдимишга янги-янги муаммоларни қўяётган ҳаётимиз мисолида яққол кўриб турибмиз.

Бир ҳақиқатни чуқур англаб, унинг ҳукмронлигини амалга оширишни ўзимизга мақсад қилиб олишимиз даркор. Бугунги нотинч, ўта таҳликали, ўзаро тортишув, манфаатлар кураши авжга чиққан замонда эртанги кунимизга, дунё тан олган давлатлар қаторига чиқишимизга фақатгина билим ва маърифатга таянган ҳолда, интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш ҳисобидан эришмоғимиз мумкин.

Бошқача айтганда, биз ўзимизнинг олижаноб мақсадларимизга фақат маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом, ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини чуқур

англаган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган комил инсонларни, ёш авлодни тарбиялаш орқалигина етиша оламиз.

Бутун маърифий дунё англаб етаётган ана шу ҳаётий талабни инobatга олиб, биз таълим-тарбия соҳасидаги ишларнинг самарасини янада ошириш, ўқитувчи меҳнатини муносиб қадрлаш масаласига катта эътибор қаратаётганимиздан, ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз яхши хабардор.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган, ўзининг дастлабки натижаларини бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, яқинда қабул қилинган Умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури бизнинг бу йўлда барча имкониятларни сафарбар этаётганимиздан далолат беради.

Биз қатъият, ишонч ва эътиқод билан бошлаган бу ишларимизни, албатта, охирига етказамиз.

Айни пайтда нафақат бугунги кунимиз, балки келажакимизга ҳам дахлдор бўлган бу масаланинг пировард натижаси сизларнинг машаққатли меҳнатингиз, билим ва маҳоратингизга, ватанпарварлик фазилатларингизга боғлиқ эканини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз ва бу ишда, аввало, сизларга таянамиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини ўқитувчилик, мураббийлик касбидан ҳеч қачон холи тасаввур қилолмайдиган минг-миглаб фидойи инсонларни кўрамиз ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт олдида, келажак олдида қилаётган хизматларингиз учун миллионлаб шогирдларингиз номидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан сизларга яна бир бор таҳсин ва ташаккурлар айтишга ижозат бергайсиз.

Сиз, азизларни қутлуғ байрамнинг билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз маърифат нуридек ёруғ ва безавол бўлсин, муҳтарам устозлар!

**Ислom KARIMOV,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



ҚАЛБЛАРГА ҒУРУР БАХШ ЭТГАН БАЙРАМ

4-бетга қаранг



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатиш йўлида жонкуярлик фазилатларини кўрсатгани ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”

Абдуллаев Рамазон Бобомуродович — Бойсун туманидаги 53-мактаб директори, Сурхондарё вилояти

Ирисбеков Ортикбой — Гулистон туманидаги “Умидли ёшлар” ихтисослашган мактаб-интернатининг она тили ва ада-

биёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Каримов Тўлқин Солиевич — Бағдод туманидаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Қаҳҳорова Раънохон — Ҳазорасп туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Нуруллаев Алексей Файзуллаевич — Жондор туманидаги 2-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Раманова Хуржан Қодировна — Беруний туманидаги 66-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хунохунова Муқаддам Жўраевна — Оққўрғон туманидаги 49-ихтисослашган мактабнинг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Юнусова Лутфи Асадовна — Юнусобод туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қорабоев Абдимўмин — Янгиобод туманидаги 2-мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

(Давоми 2-3-бетларда)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

**ЯНГИ АСР
ҚАҲРАМОН-
ЛАРИ**

Андижонда ўтказилган
устоз ва мураббийлар
айёмида муаллимлар
шаънига шундай
таъриф берилди

5-бет

**УЛАРНИНГ
ОРЗУЛАРИ
ОЙДИН**

6-бет

**МУАЛЛИМГА
БЎЛСИН ЭНГ
БУЮК
ҲУРМАТ!**

8-бет

**МАХСУС
СИРТҚИ
БЎЛИМ:**

Ҳар йилгидан икки
баравар кўп ҳужжат
топширилди

11-бет

**Шуқур Холмирзаев:
БУ КИШИМ —
УСТОЗ, МЕН —
ШОГИРД**

12-бет

Ўзбекистон Республикаси

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ
ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН

(Давоми. Боши 1-бетда)

**“Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган халқ таълими
ходими”****Жумакулов Рўзихмадат** — Музработ тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси, Сурхондарё вилояти**Каримов Раҳимбек** — учкўприк туманидаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти**Кутлиев Эркин Очилович** — Шофиркон туманидаги 6-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти**Махмаев Яраш** — Ургут туманидаги 12-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти**Мирзааҳмедов Турғунаҳмад** — Балиқчи тумани халқ таълими бўлимининг ўқув-услубийет хонаси мудирини, Андижон вилояти**Нигмонов Бурхон** — Сирғали тиббийет коллежининг умумтаълим фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри**Тўлаганова Муҳайё Мирусмоновна** — Янгийўл туманидаги 3-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти**Чўлиев Шоймардон** — Миришкор туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти**Яхъёева Маҳбуба** — Гулистон шаҳридаги 9-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти**“Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар
мураббийси”****Одилов Омон** — Булунғур туманидаги 25-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти**Ашуров Абдували Усмонович** — Шўрчи туманидаги 122-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати директори, Сурхондарё вилояти**Зелинская Галина Александровна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 208-мактабнинг иқтисод фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри**Иноғомова Раъно** — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги академик лицейининг умумтаълим фани ўқитувчиси**Камолитдинов Махсум Киймидинович** — Тошкент туманидаги 14-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти**Қосимов Турғун** — Дўстлик туманидаги 8-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Жиззах вилояти**Рсимбетов Жамғирниёз Сабирович** — Қораўзақ туманидаги 10-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Хван Людмила Михайловна** — Хонобод шаҳридаги 1-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти**Шағиҳмедов Хусаин Ғофурович** — Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи услубчиси, Наманган вилояти**Эралиев Хўрозбой Эргашевич** — Навоий давлат педа-

гогика институти қошидаги академик лицей директори

**“Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган спорт
устози”****Абдуллаев Алишер Расулович** — Андижон Олимпия захиралари коллежининг бокс бўйича мураббийси**Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасидаги фидокорона хизматлари билан халқимизнинг хурмат-эътиборига сазовор бўлгани учун қуйидагилар мукофотлансин:****“Эл-юрт хурмати”
ордени билан****Алламуротов Қулмўмин Хушалиевич** — Жарқўрғон туманидаги 30-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти**Ашуров Тўракул Курбонovich** — Пешку туманидаги 15-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти**Қораев Улаш Холбоевич** — Гузор туманидаги 18-мактаб директори, Қашқадарё вилояти**Мамадиёров Худойкул Шакарович** — Хатирчи туманидаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти**Маматхонов Алижон** — Олтинқўл туманидаги 12-ихтисослашган мактаб-интернат директори, Андижон вилояти**Махмудов Мўйдинжон** — Поп туманидаги 57-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти**Морозова Александра Яковлевна** — Чилонзор туманидаги 188-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри**Норметов Миллавоё Жумабоевич** — Бўстонлик туманидаги 44-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти**Орзиев Қурбонали** — Ёзёвон туманидаги 3-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти**Примов Қувондиқ** — Пахтакор туманидаги 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти**Рўзметов Эркин** — Боғот туманидаги 1-мактаб директори, Хоразм вилояти**Султонова Раъно Бобононовна** — Эллиққалъа туманидаги 28-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Ўроқова Олия** — Каттақўрғон туманидаги 2-мактаб директори, Самарқанд вилояти**Холбоев Равшан** — Боёвут туманидаги 8-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти**“Фидокорона
хизматлари учун”
ордени билан****Абдуқодирова Зулайхо****Ҳамроевна** — Кегейли қурилиш касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Ёвбосаров Ўқтам** — Қўшқўприк туманидаги 17-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Хоразм вилояти**Нурматов Ҳамидилло** — Мингбулоқ туманидаги 24-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти**Рўзиев Аҳролжон Аҳмедovich** — Ўзбекистон курашлар Ассоциациясининг фахрий президенти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти профессори**Санаев Зиёдулла Файзиевич** — Нарпай туманидаги 52-мактаб директори, Самарқанд вилояти**Тиллаев Юнусали Жўраевич** — Бувайда туманидаги 26-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти**Ҳотамова Умида Жўраевна** — Пискент туманидаги 79-махсус ёрдамчи мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти**Шатрова Людмила Вячеславовна** — Миробод туманидаги 32-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячи-услубчиси, Тошкент шаҳри**Эшматов Тоғаймурод Султонович** — Китоб туманидаги 32-мактаб директори, Қашқадарё вилояти**“Меҳнат шухрати”
ордени билан****Акрамхўжаева Муҳайё Камоловна** — А.Икромов туманидаги 14-мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри**Аллаева Аноржон Нарзуллаевна** — Ховос туманидаги 9-мактаб директорининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти**Аллаева Аноржон Нарзуллаевна** — Ховос туманидаги 9-мактаб директорининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Сирдарё вилояти**Жуманиёзов Рўздат** — Янгиариқ туманидаги 22-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти**Назарова Мақсуда Отаёровна** — Пастдарғом туманидаги 77-ихтисослашган мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти**Отичев Сергей Иванович** — Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейининг жисмоний тарбия ўқитувчиси**Пардаева Гуласар** — Учқудуқ туманидаги 7-мактабнинг директор ўринбосари, Навоий вилояти**Пўлатов Азим Отажонович** — Бешариқ туманидаги 30-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти**Рамазонов Камол Жумаевич** — Бухоро туманидаги 10-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти**Раҳматов Абдулҳамид Бувабоевич** — Чортоқ туманидаги ихтисослашган мактаб-интернат директори, Наманган вилояти**Хайрулов Бердибой** — Арнасай туманидаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти**Худойбердиев Шароф Босимович** — Бокс бўйича Ўзбе-

кистон терма жамоаси бош мураббийси

Шукуров Абдусаттор Абдуҳамидович — Узун туманидаги 3-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти**Эргашев Неъматжон** — Бўз туманидаги 22-гимназия-интернатнинг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти**Эшчанова Хушрўй Сафарбоевна** — Амударё туманидаги 46-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотлансин:****II даражали “Соғлом
авлод учун” ордени
билан****Ашуров Абдурахмон Рўзибоевич** — Ўртачирчиқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси, Тошкент вилояти**Бобоева Машорой** — Қарши туманидаги 14-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти**Боқиева Холбиби Норбоевна** — Ширин шаҳридаги 3-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти**Биктиқов Равиль Сергеевич** — Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли “Олтинтоғ” ўқув-машғулот базасининг юнон-рум кураши бўйича мураббийси**Жабборов Жавҳар Эшонкулович** — Самарқанд туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси**Қосимова Жўраҳон Турсуновна** — Ҳамза туманидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри**Мирзаалиев Азизжон Хусанович** — Марғилон шаҳридаги 29-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Фарғона вилояти**Раҳимова Дилдора Жўраевна** — Кармана туманидаги “Бойчечак” номли мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Навоий вилояти**Тойирова Марзия Шариповна** — Ромитан туманидаги 26-махсус мактаб-интернатнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти**Усипжонов Орипжон** — Шахрихон туманидаги 3-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти**Ҳамроқулова Умур Орзикуловна** — Жиззах шаҳридаги 29-“Меҳрибонлик уйи” тарбиячиси**Қурбонова Ойибби** — Хива туманидаги 7-мактабгача таълим муассасаси мудираси, Хоразм вилояти**Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни Ватанимизнинг муносиб фуқаролари, ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш йўлида фидойилик намунасини кўрсатгани ҳамда жамияти-****мизда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустақкамлаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:****“Дўстлик” ордени
билан****Абдураимова Мунистон** — Жалолқудуқ туманидаги 33-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти**Акрамова Тамара Мўминовна** — Яққабғ туманидаги 33-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти**Беликова Тамара Ивановна** — Бўка туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти**Бондарчук Вячеслав Евстафьевич** — Наманган шаҳридаги 49-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси**Гафурова Любовь Дмитриевна** — Шовот туманидаги 7-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти**Голева Галина Федоровна** — Республика Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг бош мутахассиси**Долматова Светлана Викторовна** — Сарийосиё туманидаги 5-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти**Жалимбетова Айтгуль Шағирбаевна** — Тахиятош шаҳридаги 1-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси**Зайнитдинова Гульнора Каримовна** — Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри**Кетебаева Бибиайша** — Нукус шаҳридаги 34-мактаб директори, Қорақалпоғистон Республикаси**Кодиров Икромали Кўчқоралиевич** — Сўх туманидаги 24-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти**Мадаев Омонулло Аҳмедович** — Тошкент ислом университети қошидаги академик лицейининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**Михайлов Константин Викторович** — Ўзбекистон спорт курашлари Ассоциациясининг Бош котиби**Султонова Маҳбуба Исломовна** — Оқдарё туманидаги 2-мактабнинг француз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти**Тошпўлов Очил Элибоевич** — Фориш туманидаги 33-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти**Ткаченко Лидия Федоровна** — Қоровулбозор туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти**Фозилова Раъно Тўлагановна** — Чиноз туманидаги 40-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти**Чибисов Анатолий Константинович** — Республика рассомлик билим юрти ўқитувчиси**Шукуруллаева Озода** — Самарқанд шаҳридаги 126-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси

Президентининг Фармони БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Эгамбердиева Шаҳодат Раимовна — Косон туманидаги 65-мактаб директорининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Юферова Надежда Гавриловна — Зарафшон шаҳар саноат касб-хунар коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

Ёш авлодни мустақиллик гоёси, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўқув жараёнига янги ахборот технологиялари ва илғор педагогик тажрибаларни кенг жорий этиш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Шухрат” медали билан

Абдазимова Ҳамида Абдуллаевна — Зангиота туманидаги 4-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Тошкент вилояти

Абдихоидова Умриниса Тожалиевна — Риштон туманидаги 33-мактабнинг миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Абдуллаева Убайда — Чимбой туманидаги 41-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдурахимов Ҳалимаҳон Ҳусанбоевна — Косонсой туманидаги 45-кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактабининг ўқитувчиси, Наманган вилояти

Абдурахмонова Юлдуз Тошпўлатовна — Кўкон шаҳридаги 35-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Азимов Раҳимбой — Хонқа туманидаги 35-мактабнинг ҳуқуқшунослик ва иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Алибеков Мурод Собирович — Куйичирчиқ туманидаги 55-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Алламуратова Саруанкан — Кўнғирот туманидаги 50-лицей-интернатнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Амонжулова Феруза Элавбоевна — Гурлан туманидаги 33-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Анорова Маърифат Умаралиевна — Данғара туманидаги 33-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Аҳмедова Одина Ҳотамовна — Андижон давлат университети қошидаги Асака академик лицейининг умумтаълим фани ўқитувчиси

Ашуров Неъмат Абдуҷабборович — Пайариқ туманидаги 62-мактабнинг физика ва информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ашурова Манзура Мамажоновна — Учкўрғон туманидаги 42-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Бозорова Дилором Маматқуловна — Жомбой туманида

ги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Баҳриддинов Абдиқодир — Иштихон туманидаги 44-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Бобоев Фозилжон Абланазарович — Асака туманидаги 42-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Ғойбиева Муборак Хувайтовна — Қарши шаҳридаги 2-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

Гулиев Некмурод — Фиждудон туманидаги 57-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ғозиев Асадулла Маҳамматович — Сардоба туманидаги 6-мактаб директорининг ўринбосари, Сирдарё вилояти

Долимова Жўраҳон Турсуновна — Норин туманидаги 43-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Дошжоновна Бахтигул Абиловна — Конимех туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Дуйсенова Бибиайм — Хўжайли туманидаги 29-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Дўсматова Муборак Ўқтамовна — Бекобод туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Жуманазаров Йўлдош Кенжаевич — Қамаш туманидаги 42-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Жўраева Шаҳар Чўтбоевна — Шеробод туманидаги 17-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Зиёдуллаева Малоҳат Эгамбердиевна — Баҳмал туманидаги 5-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Искендрова Замзегуль Зиқирияевна — Томди туманидаги 6-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Исмаилова Гулистон — Қонликўл туманидаги 7-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Йўлдошев Шавкат Исматович — Вобкент туманидаги 18-мактаб директори, Бухоро вилояти

Конарбаев Узакберген — Нукус тумани халқ таълими бўлими мониторинг марказининг бош мутахассиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Мўминжон — Марҳамат туманидаги 31-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Кулмедова Венера Хаитбаевна — Урганч шаҳридаги 20-мактабгача таълим муассасаси услубчиси, Хоразм вилояти

Қурбонова Саноатхон Собировна — Бектемир туманидаги 289-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Қурбонова Улашой Бозоровна — Шаҳрисабз туманидаги 3-ихтисослашган мактаб-интернатнинг биология фани

ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Қурдошов Саликул Аширович — Қўшработ туманидаги 22-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Маматмуродов Аъзамат Караматович — Олтинсой туманидаги 17-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Мўминова Жамила Собировна — Тошлоқ туманидаги 1-иктидорли болалар гимназиясининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мустаева Розия Ҳакимовна — Сайхунобод туманидаги 37-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мустафоқулова Хулкар Аҳмедовна — Жиззах туманидаги 28-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Мухамедов Мирзобек — Қизилтепа туманидаги 10-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Назаров Бердиали Юнусович — Фаллаорол тумани халқ таълими бўлимининг ўқув-услубиёт хонаси мудири, Жиззах вилояти

Никольская Людмила Сергеевна — Навоий шаҳридаги 18-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Номозов Шухрат Жўраевич — Касби туманидаги 26-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Пўлатова Сара Мамажоновна — Мирзаобод туманидаги 13-мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ракушина Ольга Евгеньевна — Фарғона шаҳар 1-болалар санъат мактабининг ўқитувчи-концертмейстери

Раҳимов Алижон Абдулвосидович — Избоскан туманидаги 11-мактабнинг чақириқча ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси, Андижон вилояти

Реймбергенова Гулара — Шуманай туманидаги 16-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Собирова Шаҳзода Қодировна — Хўжаобод туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Сабуров Жумабой — В.А.Успенский номидаги Республика мусиқа академик лицейининг ўқитувчиси

Сайфуллоева Саодат Атоевна — Тайлоқ туманидаги 2-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Самандарова Татьяна Борисовна — Яққасарой туманидаги 358-мактабгача таълим муассасаси тарбиячи-услубчиси, Тошкент шаҳри

Соатов Неъматилло Худойбердиевич — Деҳқонобод туманидаги 19-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Тошназаров Иброҳим Саъдуллаевич — Оқолтин тумани

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 сентябрь

даги 12-мактабнинг чақириқча ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Турдиева Маҳфират Маҳкамовна — Олмалиқ шаҳридаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Тўқлиев Фаҳриддин Сиддиқович — Олот туманидаги 16-мактабнинг чақириқча ёшларни тайёрлаш ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳалимова Гулчехра Икромовна — Когон туманидаги иктидорли болалар мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳабибуллаева Мавлуда Ғиёсовна — Зомин туманидаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Жиззах вилояти

Ҳакимова Шарофатой Неъматуллаевна — Шайхонтохур туманидаги 320-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Ҳамроева Мойира Отаевна — Бухоро енгил саноат касб-хунар коллежининг касбий таълим фани ўқитувчиси

Ҳолиқова Одинахон Носировна — Кува туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Ҳолмирзаев Бахтиёр Шомирзаевич — Қибрай туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Тошкент вилояти

Ҳолова Хонимжон Жумакуловна — Қорақўл туманидаги 22-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ҳошимова Ўғилой Мадминовна — Янгиқўрғон туманидаги 31-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Шоҳобидинова София Маматқуловна — Чуст тумани халқ таълими бўлими мониторинг марказининг раҳбари, Наманган вилояти

Шорустамова Дилбархон Сотиволдиевна — Оҳангарон шаҳридаги 2-мактабнинг география фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Эсонова Мукаррам Эшонкуловна — Пахтачи туманидаги 27-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Йўлдошев Бозор Тошанович — Ангор қишлоқ ва ўрмончилик касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қодиров Аминжон — Нуро-та туманидаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори, Навоий вилояти

Қорақулова Бибиражаб — Кумқўрғон туманидаги 2-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Қурбонов Жовли Эрматович — Нишон туманидаги 24-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Қутлимуродова Робия Йўлдошевна — Янгибозор туманидаги 14-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Замоннинг зайли ҳам-мамизни илдам қадам ташлашга ундамоқда. Буни зиёли, ўқимишли инсонлар каби оддий фуқаролар ҳам тушуниб етмоқда. Чунки авваллари ота-оналаримиз (асосан, қишлоқ жойларини назарда тутаялман) фарзандларининг ўқиши, билим олишига кам эътибор беришарди. Ҳаттоки, ўғил-қизлари мактабдан келгани ҳамона айрим ота-оналар “уни қил, буни қил”, “молга қара, қўйга қара”, деб ишга солиб юборишар, дарс қилишим керак, дея эътироз билдирган фарзандини жерки ташлаган ҳолатлар кўп учрарди. Ўқитувчисининг ёнига келиб, боласининг ўқиши ҳақида сўровчилар бармоқ билан санарли даражада кам эди.

Ҳозир эса, худога шукр, ўқишнинг аҳамияти, фойдасини тушуниб етувчи ота-оналарнинг сони сезиларли даражада кўпайган. Улар мунтазам равишда фарзандини кузатиб боради, дарсларини тайёрлашга ёрдам беради. Ўқитувчилар билан тез-тез учрашиб, боланинг мукамал билим эгаллаши учун яна нима ишлар қилиш кераклиги

ЭЪТИБОР ЭЪТИРОМИ

хусусида маслаҳатлашадилар. Уларнинг тақлифлари, илтимосларига биноан кўплаб мактабларда кўшимча дарслар ташкил этиляпти.

Бизни хурсанд қилаётган яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳукуматимиз ҳам халқ таълимига катта эътибор қаратмоқда. Яқиндагина соҳамиз ходимларининг ойлик маошлари сезиларли даражада оширилгани, устама ҳақлар белгиланганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Эътибор ҳаммага ҳам хуш ёқиши, педагогларга нисбатан қилинган озгина хурмат-эътиром уларнинг кўнглини тоғдай кўтариши аниқ. Ҳар йили байрамимиз олтидан бизга Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан билдирилатган эътибор, айниқса, Ўртабшамизнинг табрик сўзлари бизга катта куч беради.

Фурсатдан фойдаланиб, барча таълим хайрихоҳларига миннатдорчилигимни билдирмоқчимман. Чунки улар ўз ишининг устаси бўлган ҳар бир моҳир педагогга алоҳида эътибор қаратиш имконини топаптилар.

Эътибор эса, юқорида таъкидлаганимдек, ўқитувчилар учун олтидан ҳам қимматроқдир. Байрамингиз кутлуг бўлсин, муҳтарам ҳамкасблар!

Гулнора ТОЛИПОВА,
Ўзбекистон туманидаги
43-мактаб директори

И.КАРИМОВ

ҚАЛЪЛАРГА ҒУРУР БАХШ ЭТГАН БАЙРАМ


Муаллим сиймосини уч авлод уч хил тасаввур қилади: неваранигоҳида ўқитувчи ҳамма нарсани биладиган инсон; отанинг фикрича, муаллим заҳматли касб соҳиби; бобо наздида у жонкуяр мураббий. Аслида эса, барча тасаввурлар уйғун: муаллим ўқувчидан кўп маълумот билиши керак ва шарт, муаллим — энг машаққатли соҳа вакили, муаллим — шогирдига фарзанди каби жон куйдиради. Уч авлоднинг муаллим тўғрисидаги бундай тасаввурлари уларни устоз-мураббийларни мудом қадрлашга ундайди. Бу — миллат қадрияти. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинаётгани ана шу қадриятнинг тикланганидан далолатдир.

29 сентябрь куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида ана шу умумхалқ байрами муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

МЕҲР ГУЛДАСТАСИ ВА ҚАҲРАМОНЛАР ЭЪТИРОФИ

Дастлаб гўзал тарзда безатилган сахнага болажонлар чиқиб келишди. Улар қуршовидаги «Ниҳол» мукофоти совриндори Дилноза Исмиёминова устозларни мадҳ этувчи кўшиқни ижро этди. Болажонлар шеърлар айтишди. Сўнгра юртимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, сўнги йилларда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш устувор вазифага айланди. Юртимизнинг бугуни ва эртасини фидойи, Ватанга садоқатли фарзандлар белгилашини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз самарасини бера бошлади. Бу йўлда шарафли ва ўз навбатида машаққат-



ий қисмига навбат берилди. Ўзбекистон халқ артистлари Зулайҳо Бойхонова, Фуломжон Ёқубов, Қорақалпоғистон халқ артисти Кенгесбай Сержанов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гиёс Бойтоев, Сайёра Қозиева, Авазбек Олимов, Хуррият Исроилова, Нилуфар Раҳматова, Шўрат Қаюмов, Дилнура Қодиржонова, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари Аброр Парпиев, Оксана Ничетайло, Дилафрўз Аҳмедова, Феруза Жуманиёзованинг Устоз, Ватан, Муҳаббатни мадҳ этувчи дилтортар кўшиқлари, Ўзбекистонда хизмат кўратган артист Обид Асомовнинг қизиқарли хангомалари, «Ўзбегим юлдузлари» ашула ва рақс ансамбли раққосаларининг жозибали рақслари барчанинг кўнглини хушнуд этди. Айниқса



таълим жонкуярлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Мавлуда Исматова, Вера Пак ҳамда Анор Маҳмудованинг «Ниҳол» мукофоти совриндори Феруза Жуманиёзованинг «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони сўзлари асосида яратган кўшиғини ижро этиш асосидаги рақслари йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

Бадиий дастур давомида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла

Муҳаббат Чориева, Қарши тумани ХТБ методисти: — Байрамни ҳамма яхши кўради. Бугунги байрам сабабчиси бўлган касб соҳиблари чехрасига бир боқинг. Миннатдорликни кўрасиз уларнинг нигоҳларида. Ана шу мамнуният уларни тарк этмасин.

Зумрад Аҳмедова, Ҳамза туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси: — Бу йилги айём бир қарашда аввалгиларидан фарқли эмасдек туюлади. Лекин зимдан эътибор қилган киши учун бундай эмас. Чунки Президент фармонида асосан 2004—2009 йилларда юртимизда юзлаб янги мактаблар қурилиши, минглаб мактаблар таъмирланиши кўзда тутилган. Айни шу жиҳатлар ўтган йиллардагидан фарқ қилади ва мамнун бўлишга арийди.

Орипов сўзга чиқиб, устоз-мураббийларга бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

— Устоз-шогирд мулоқоти дунёдаги энг гўзал, энг ёқимли мулоқотдир. Бундай мулоқотга қулоқ тутган киши баҳра олади, — деди А.Орипов ўз сўзида. — Мана, ушбу муҳташам залда бундай гўзал мулоқотларнинг гувоҳи бўлдик. Бундай мулоқотлар ҳамisha самимий бўлади. Барчангизни айёмларингиз билан қутлайман.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори Анор Маҳмудова ҳам сўз берилди.

— Юртимизда таълим-тарбия тизимини изчил юксалтириш, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ҳаракатлар учун Президентимиз ва ҳукуматимизга миннатдорлик билдираман, — деди пировардида қаҳрамон муаллими. — Айниқса ўтаётган йилимизда бу борада айтишга арзиғулик ишлар амалга оширилди. Биз муаллимлар ушбу эътиборга яраша жавоб беришни уддаласак, кўзланган мақсадга эришаверамиз. Бу йўлда куч-ғайратимизни аямаймиз.

Устоз-мураббийлар байрами тадбирида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

ТАДБИР ТААССУРОТИ ТАРАҚҚИЁТГА ТАМАЛ

Тантанали йиғилиш биз учун кўнглидагидек кечди. Топшириқларни ўзимизча уддаладик. Лекин йиғилиш иштирокчилари-чи? Қани, уларни ҳам эшитайлик-чи.

Муҳаббат Чориева, Қарши тумани ХТБ методисти:

— Байрамни ҳамма яхши кўради. Бугунги байрам сабабчиси бўлган касб соҳиблари чехрасига бир боқинг. Миннатдорликни кўрасиз уларнинг нигоҳларида. Ана шу мамнуният уларни тарк этмасин.

Зумрад Аҳмедова, Ҳамза туманидаги 69-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси:

— Бу йилги айём бир қарашда аввалгиларидан фарқли эмасдек туюлади. Лекин зимдан эътибор қилган киши учун бундай эмас. Чунки Президент фармонида асосан 2004—2009 йилларда юртимизда юзлаб янги мактаблар қурилиши, минглаб мактаблар таъмирланиши кўзда тутилган. Айни шу жиҳатлар ўтган йиллардагидан фарқ қилади ва мамнун бўлишга арийди.



Норкул Мамедов, Зомин туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактаби муаллими:

— Негадир устоз деган сўздан муаллим деган сўз хушроқ ёқади менга. Балки, ҳали ёшим унчалик улғ бўлмаганидандир. Аслида ҳар икки сўзнинг салобати бор ва унга ҳар биримиз муносиб бўлишимиз керак. Барча ўқитувчи, устоз, муаллим ва мураббийларнинг байрами муборак бўлсин.

Шунингдек, бухоролик, наманганлик, тошкентлик яна бир неча муаллимлар касб байрами, таълим тизимидаги ўзгаришлар, унинг аҳамияти тўғрисида биз билан сўзлашиб, бугунги тадбирдан олган таассуротлари бир олам эканини, ушбу таассуротлар уларни янгиликка, изланишга, қисқаси, тараққиётга етаклашини таъкидлашди.

ХОТИМА ЎРНИДА

Хотима фақат бизнинг ушбу ёзганларимиз учун. Негаки, байрамга, яхши кайфиятга хотима бўлмайди ва бўлмасин ҳам. Дарвоқе, мақоламиз ав-



валида айтиб ўтгандик: уч авлод тасаввуридаги муаллим ҳамisha МУАЛЛИМ-лигича қолсин. Зеро, энг улғу касб, энг улғу мартаба ва энг улғу ном бу.

Шерали НИШОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗО олган суратлар.



Муаллим — хокисор Инсон. Камтарликдан либос кийиб, зиё улашаётган Зот. Ниҳоллари қалбига умид ва мақсад уруғларини эккан Боғбон.

Юртимизда кечагина улуг шодиёна сифатида нишонланган Мустақиллик байрами шукуҳи ҳали қалбларни тарк этмай, яна бир улуг байрамга — Устозлар байрамига уланиб кетди. Чин маънода Ўзбекистон шодиёналар, байрамлар юртига айланиб қолди.

Фарғона шаҳридаги “Боғи Эрам” маскани ўзларининг касб байрамларини нишонлаш учун ташриф буюрган вилоятдаги юзлаб энг фидойи муаллимларни бағрига чорлади. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ташкил этилган бу тадбирда

барча туман ва шаҳарлардан таълим фидойилари, фахрий педагоглар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюришди.

Йиғилганларни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Хўжаев самимий кутлади. Байрам тадбирида иштирок этган вилоят ҳокими А.Отабоев вилоят педагогла-

— Ўқитувчини қуёшга қиёслагим келади, — дейди бошқарма бошлиғи М.Хўжаев биз билан суҳбат чоғида. — Қуёш борлиққа нур сочади, ҳаёт бахш этади. Ўқитувчи эса бола қалбига зиё беради. Ишонсангиз, эл-халқ, маҳалла-қўй қуёшдек порлаган ўқитувчини хурмат қила-

кишлари, ижро этилган жозиба кўшиқ ва рақслар кўтаринки руҳ ва завқ бағишлади. Тадбир сўнгида таълим-тарбияда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ педагогларга вилоят ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бошқармасининг Фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари тантанали равишда топширилди.

Худди шундай байрам тадбирлари вилоятдаги барча туман ва шаҳарларда, таълим муассасаларида кўтаринки руҳ билан ўтказилаяпти.

Ҳеч муболағасиз, ўқитувчилар шарафига бағишлаб ўтказилган бу тантаналар устозларга катта эҳтиром рамзи бўлиб қолади.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
“Ma'rifat”нинг махсус мухбири

УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

рини шодиёна кун билан табриклаб, вилоятда халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотларга тўхталди.

Байрам тадбирига таклиф этилган бир неча захматкаш педагоглар билан суҳбатлашдик.

ди, эъозлайди. Ана шундайларгина Ватан, эл-юрт таянчидир. Бугунги байрам ҳам аслида шундай ўқитувчилар боис умумхалқ шодиёнаси сифатида нишонланмоқда.

Байрам кечасига педагоглар, меҳмонларнинг кутловлари, санъаткорларнинг чи-

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ахборотлаштирилган жамиятга ўтиш бошланди. Бунинг асосини информация ва телекоммуникацион технологиялар ташкил этади. Ҳозирги кунда ҳар бир давлат, хусусан, Ўзбекистон ҳам ўз шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда информация технологиялар дунёсига кириш учун концепциясини ишлаб чиқ-

АХБОРОТЛАШТИРИЛГАН МАМЛАКАТЛАР РИВОЖЛАНАДИ

моқда. Ахборотлаштирилган мамлакатда эса, фан, техника ва таълим ривожланади.

Тошкент ахборот технологиялари университетидан бўлиб ўтган «Фан, техника ва таълимда инфокоммуникацион ва ҳисоблаш технологиялари» мавзuidaги халқаро илмий-амалий анжумандаги кун давом этди. Россия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондаги етакчи илмий ва ўқув муассасаларидан, шунингдек, мамлакатимиздаги олий ўқув юрларидан мутасадди вакиллар иштирок этган анжуман шуниси

билан аҳамиятлики, бундай йиғинларда тажриба алмашувга кенг имконият яратилади. Бевосита ахборот технологияларини ишлатиш, унинг салоҳиятидан кенгрок фойдаланиш, янги ва хил-

Anjuman

МУАЛЛИМЛИК — КАСБЛАРНИНГ УЛУҒИ

Аслида дунёдаги барча касблар битта касб соҳиби меҳнати туфайли шаклланади. Бу — ўқитувчиликдир. Муаллим эндигина мактабга қадам қўйган ўқувчи учун дунёнинг рангини тиниқлаштирувчи зот саналади. Бугун ким, қаерда, қандай лавозимда ишлаётган бўлмасин, у қачондир мактабда ўқиган, устозлари тарбиясини олган.

Бизнинг ҳам мактабни битирганимизга анча йиллар бўлди. Таълим тизимига бугунги берилаётган эътиборни кўриб, беихтиёр яна мактабда ўқигиси келади кишининг. Лекин бундай бўлмаслигини билсак-да, бир нарса кўнглимизга таскин беради: бугун бу жойларда фарзандларимиз ўқияпти-ку! Бундай эътибордан мақсад ҳам уларнинг камоли учун эмасми? Ёш авлоднинг ёруғ келажаги — юрт равнақни белгилар экан, бу масъулиятли вазифани сидқидилдан бажараётган устоз-мураббийларни айём билан кутлайман.

Ўктам САИДОВ,
Бектемир туман прокурори ёрдамчиси

САЙЛДАГИ ҚУВОНЧЛАР

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунни арафасида ўтказилган ёшлар сайли дўмбира садолари остида бошланди. Саҳнани ёш санъат ниҳоллари тарк этгач, тадбир ташкилотчилари йиғилганларни кутлашди. Жумладан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши расиси ўринбосари Қаҳрамон Қурбанбоев, Ўрта-махсус касб-

Tadbir

хунар таълими Маркази раҳбари ўринбосари Хайридин Масъудов ҳамда «Туркистон» газетаси бош муҳаррири Салим Ашуров сўзга чиқишиб, устоз-мураббийларни айём билан муборакбод этишди. Тадбирнинг очилиш қисми «Камолот» стилендиатларини тақдирлаш, фахрий ёрликларни топшириш маросимларига уланиб кетди.

Ёшлар сайлига ҳушовоз хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар янада файз киритди.

Азиз НОРҚУЛОВ

Вилоят ҳокими Саъдулло Бегалиев муаллим ва мураббийларни касб айёмлари билан кутлар экан, XXI аср — таълим асри бўлади, таълимда фидойилик билан меҳнат қилаётган муаллимлар эса, асримизнинг ҳақиқий қаҳра-

таблар, махсус мактаб-интернатлар ва бошқа таълим муассасалари энг яхши, қулай ва замонавий таълим масканлари каторига кирди.

Вилоят ҳокими ўз табриги давомида вилоятда ҳам мактаблар масаласи энг долзарб

кўрик-танлов ва мусобақаларда фаол иштирок этган мактаблар раҳбарларига 1 миллион сўмдан пул мукофотлари ҳада этилди.

Вилоят раҳбари мактаблар раҳбарларига пул мукофотларини топшириш чоғида кел-

ЯНГИ АСР ҚАҲРАМОНЛАРИ

Андижонда ўтказилган устоз ва мураббийлар айёмида муаллимлар шаънига шундай тавсиф берилди

монларидир, дея юксак касб соҳибларига эҳтиром кўрсатди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда халқ таълими ривожини йўлида муҳтарам Президентимиз саъй-ҳаракати билан асрга татиғулик ишлар амалга оширилди. Юртбошимизнинг биргина шу йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони халқ таълими ривожини йўлидаги оламшумул ишларга дебеча бўлди.

Ўтган қисқа фурсат давомида янгидан қурилган ёки бутунлай қайта таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этган мак-

иш сифатида кун тартибидан тушмаслигини, муаллим ва мураббий, устозларга рағбат эҳтиром ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бўлишини таъкидлади.

Ҳароратга, самимиятга лиммо-лим табриклар, гўзал кутловлар билан безанган, дилрабо куй, қўшиқ ва рақслар оғушидаги устозлар тантанасида вилоят раҳбарининг эҳтиромли ваъдалари ижобат бўлди. Аввал энг фидойи, фаол халқ таълими ходимларига вилоят ҳокимининг фахрий ёрликлари гилам тўхфаси билан топширилди. Сўнгра вилоятдаги йигирмадан зиёд энг юқори кўрсаткичларга эришган, ўқувчиларининг билим самарадорлиги юқори муаллимлар жамоаси, турли

гуси йили энг юқори кўрсаткичга эришган мактаблар 5 миллион сўм миқдорига мукофот билан тақдирланишини таъкидлаб ўтди.

Айём қатнашчиларига топшириладиган тўхфалар орасида компьютер жамламаси ҳам бор эди. Бу мукофотга ўз худудидаги мактаблар битирувчиларининг олий ўқув юрларига кириши бўйича энг юқори натижага эришган Асака шаҳар халқ таълими бўлими сазовор бўлди.

Ҳа, ҳалол меҳнат ҳамиша шундай қадр топади, улуғланади. Ўқитувчи ва мураббийларнинг айёми бу гал Андижон шаҳрининг энг муҳташам, гўзал кошоналаридан бири — «Андижон» ресторанида ўтка-

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройининг ёзги биносида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «UZTIMEDIA» продюсерлик маркази ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳомийлигида «Ёшлар терроризмга қарши» мавзуида катта гала концерт бўлиб ўтди. Концертда эстрадамизнинг ёш санъаткорлари Абдували Ражабов, Ёдгор Мирзажонов, «Фирдавс», Шоҳрух, Зафар, Шаҳзода, «Сетора» гуруҳи ва кўплаб ёш ижрочилар ўзларининг бири-биридан гўзал қўшиқлари

ТЕРРОРИЗМ ЖАҲОЛАТ ТАШИЙДИ

билан ёшларни мамнун қилдилар.

— Менда бугунги тадбир жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, «Терроризмга қарши кураш — давр талаби» мавзусидаги бошловчиларнинг кириш сўзлари мени янада таъсирлантирди. Бундан бир хулоса чиқариш мумкинки, терроризм ҳеч кимга ҳеч қачон фойда келтирмаган. У инсон учун фақат жаҳолат олиб келган. Бу иллатга барчамиз ҳар доим қарши туришимиз лозим, — дейди ЎЗМУ талабаси Ойбек Абдушукуров. Тадбир ҳаммага ёқди. Концертдан тушган маблағ терроризм орқали жабр кўрганлар оилаларига сарфланади.

Зевара АҲМЕДОВА,
ЎЗМУ талабаси

зилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган муаллим ва мураббийларнинг энг илғор, изланувчан, ўз ишининг мохирлари сифатида танилган 600дан зиёд вакилларининг ҳар бирига тантана сўнгида биттадан гилам совға қилинди.

— Эътибор эҳтиром, наздимда, фидойиликка чорлов, — деди тантанада фахрийлар номидан сўз олган Андижон тумани, Зароқ қишлоғидаги 3-мактаб она тили ва адабиёти фани муаллими, фахрий Исмоилжон ота Алиев. — Мана, ёшим 80 га яқинлашиб қолди. Аммо таълимга, муаллимга бўлган ҳозирги ғамхўрликни, эътиборни ҳеч қачон кўрмаганмиз. Муаллимга, таълимга рағбат — келажакка рағбатдир. Бугунги эҳтиром тантанаси юзлаб, минглаб муаллим-устозларни янада астойдил ишлашга, фарзандларимиз камолоти йўлида фидокорликка чорлади, десам муболаға бўлмайди.

Байрам тантаналари якунланди. Унинг иштирокчилари бўлган муаллим, мураббий ва устозлар ўз шаънларига битилган ашъору кутловлардан қалбларига олам қадар кутлуғ ниятларни мужассам этган ҳолда манзиллари томон ошиқдилар.

О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

УЛАРНИНГ ОРЗУЛАРИ ОЙДИН

Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйининг олдинги биноси эскирган, гигиеник, техник талабларга жавоб бермас эди. 2004 йил — Меҳр ва мурувват йилида, мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрами арафасида ушбу меҳрибонлик уйи қайтадан замонавий услубда реконструкция қилинди, қўшимча бинолар қурилди. Бу эса бу ерда тарбияланаётган болажонларга муносиб совға бўлди.

Яқинда ушбу Меҳрибонлик уйи ҳақида мақола тайёрлаш мақсадида Чирчиқ шаҳрига йўл олдим...

Ушбу меҳрибонлик уйи оромгоҳи ҳақида олдин ҳам эшитган эдим. Ёзги мавсум чоғида ҳордиқ чиқараётган тарбияланувчиларнинг ҳаёти билан танишиш учун борганимда бир воқеа сабаб уларни эслаб қолгандим.

Ўшанда оромгоҳ иккинчи мавсумининг очилиш маросими бўлганди. Сочлари сариққина, кўзлари қулиб турган, ўзининг очиққўнгиллиги, қизиқувчанлиги билан бошқа тарбияланувчилардан ажралиб турган Севара исмли қизалоқ мухбирлигимни билгач, ўзининг катта бўлганида журна-



тилар" дея чопиб кетди. Унинг кетидан байрамни томоша қилиб ўтирган чирчиқлик болаларнинг барчалари югуриб кетишди.

Шунда мен ҳам болаларнинг орқасидан борганимда, улар чуғурлашганича юзлари куёшдан қизарган, нигоҳлари ўткир бир аёлни қучоқлаб олишганича қўйвормасдилар. Бир қизалоқ кўлини кўрсатиб, тирнаб олганини айтса, болакайлардан бири сочини олдириб ташлаганини кўрсатарди. Бу манзарани кўриб кўнглим юмшаб кетди. Ўртада қолган аёл эса уларнинг ҳар бири билан сўрашиб чиқарди.

Ўша аёл — Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйининг директори Муҳаббат Соипова, бизни очиқ юз билан дарвоза олдида кутиб олди. Меҳрибонлик уйига кирверишдаги асосий бино болаларнинг ётоқхонаси экан. Узун йўлакка тўшалган чўғдай гилам йўлакни безаб турибди. Болаларнинг ётоқхоналарига кирар эканман, қатор турган каравотлар устига тўшалган юмшоққина кўрпаклар, чиройли чойшаблар, ҳар бир ўриндикнинг устида турган юмшоқ ўйинчоқлар болажонларни ўзига чорлаётганга ўхшайди.

Ховлидаги янги қурилган иссиқхонага тажриба сифати-

2004 yil — Mehr va muruvvat yili

да экилган помидорлар гуркираб ўсяпти. Табиатсевар болажонлардан икки-уч нафари ўсимликнинг тупроғини юмшатиш билан овора. Эрталаб борганимиз учунми, кўпчилик тарбияланувчилар мактабда эканлар, куннинг иккинчи ярмида ўқийдиган болажонлар ўз гуруҳларида дарсларини



тайёрлаб ўтиришибди. Рўпарадаги хонада 2-ўқув гуруҳининг тарбиячиси Неля Нигматулина 4-5 нафар болага дарсларини тайёрлашига кўмаклашмоқда. Болаларни биринкетин суҳбатга тортаман. Биринчи партада ўтирган В. Ли 12 ёшда. У расм дафтарида қандайдир иморат чизмоқда. Нима чизаётганини сўраганимизда, у мактабни чизаётганини айтди. Расмга қараб ажабланаётганимни кўргач, дераза ва эшикларини энди чизаман, деб жавоб берди. Бундан ташқари, Владимир бир йилдан буён Оққовоқдаги ушу спорт клубига қатнайди.

Иккинчи партада ўтирган Виктория Барабашевани таниб қолдим. У ўша Меҳрибонлик оромгоҳида "Моҳир қўллар" тўғараги аъзоси сифатида ўз ижодини намойиш этиб, ғолиб бўлган эди. Лойдан ясалган турли шаклларни қўёшда қотириб, кейин ранг бериш натижасида ажо-

йиб кичик санъат асари пайдо бўлади. Ана шу қўли

гул қиз катта бўлганида сартарош бўлишни орзу қилишини айтди. Шу пайт тарбиячи Н. Нигматулина соатни сўраб қолди. Ўз саволига изоҳ берар экан, соат 11 да мактабда ота-оналар мажлисига бориши кераклигини айтди.


Ошхонада эса бош ошпаз Галя Серикова бошчилигида Сурайё Артиқова, Ўғилой Назаркулова мазали овқатларни тайёрлашга киришаётган эканлар. Ховлида ўқишга кетаётган ўқувчиларнинг қийчуви ичида директор хонасига кириб бордик. Янги қурилган бино эмасми, телефон, факс, компьютерлар энди ўрнатилаётган экан.

— Очилиш маросимимизга кўшиб, Хислат, Хусниёр, Нигматулло исмли ўғилларимизнинг суннат тўйини ҳам ўтказиб юбордик. Мана шу маскан бугунги кўринишга келишигача жуда кўп ташкилотлар, юзлаб юртдошларимиз астойдил ёрдам беришди. Меҳр, саховатини аямади, ҳатто баъзи кишилар ёрдам бера туриб, ўзларини танитмай ҳам кетишди. Масалан, Б. Шомаҳмудовнинг исмини ҳам билмаймиз. Ундан фамилиясини мажбурлаб, рўйхатини учун керак, деб сўраб олдик, — дейди Муҳаббат опа. Дарҳақиқат, юртимизда саховатпеша инсонлар жуда кўп. Вило-

ят ҳокимлиги, "Чирчиқбозор" МЧЖ, "Электримёсаноати" ОТХЖ, "Ўзкимёмаш" ОТХЖ, "Сувоқава", Тошкент вилояти бозори маъмурияти, Ангрен педагогика институти жамоалари меҳрибонлик уйи ҳисоб рақамига пул ўтказишди ҳамда болаларга кийим-кечаклар, комплект спорт кийимлари, пойафзаллар совға қилишди. Бу рўйхатни анчагача давом эттириш мумкин. Асосийси, совға қилинган компьютерларда ўз саводхонлигини ошириши, отларда жисмонан чиниқиши, спорт кийимларида турли спорт машғулотларида қатнаша олиши, техник воситаларда шуғуллана олиши — бу ерда тарбияланаётган болажонларнинг келгуси ҳаётида муҳим аҳамият касб этади, уларнинг комил шахс бўлиб етишишига ёрдам беради.

Баъзан меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳақида гапирилаётганда, "Уларнинг барча шароитлари бўлгани билан ҳеч ким ота-она меҳрини бера олмаса керак" деган фикрларни эшитиб қоламиз. Бу гапда ҳам бироз жон бордек. Ота-онага ким ҳам тенг келади, дейсиз?

Аммо давлатимиз, ҳукума-



тимиз ота-она меҳрига муштоқ бундай болажонларнинг ўзларини бекаму кўст ҳис қилишлари учун бор имкониятни ишга солмоқда.

Бу қоракўзларнинг ҳам юртимиз, халқимиз ишончи, та-



янчига айланишлари йўлида қилинаётган бугунги саъй-ҳаракатлар бесамар кетмас.


Назokat ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ЯНГИ БИНОДА

Бу йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб номланиши туфайли мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширила бошланди. Фиждувондаги 32-меҳрибонлик уйи ҳам Бухоро шаҳридаги янги бинога кўчиб ўтди. Собиқ маъмурий бинони меҳрибонлик уйига мослаштириш мақсадида бу ерда қарийб 250 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу ерда тарбияланувчилар учун гигиеник қондаларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратилган. 100 ўринли ошхона, кенг ва ёруғ ётоқхоналар, кутубхона болажонлар хизматида.



Байрамнингиз муборак бўлсин, қадри қўқувчилар, меҳрибон мураббийлар!

Мураббий ва ўқувчиларимиз доимо омон бўлсинлар. Юртимиз раванглиги учун хизмат қиладиган, Ватанимизнинг норлоқ келажакини бунёд этадиган ёш авлодни тарбиялаб, ўқитувчи халқнинг бағри кенг, сабр-барқосини тоғлар қадар бўлиши ҳеч биригизга сир эмас. Мана шу сабр тоғлари ҳеч қачон емирилмасин! Ҳар бир муаллимнинг, мураббийнинг кўнгли, қўли, мактабда хотиржамлик ҳуқи сўрсин!

«Mehmonxona»dagi tilaklar

Мирзохид РАҲИМОВ,
сўзандон

Adabiyot fani hamisha insondagi eng go'zal his-tuyg'ularni ulug'lashga xizmat qilgan. Biz Vatani, millat tushunchalarining naqadar muqaddas, aziz ekanligini she'riyatning sehrli harorati chertib-chertib o'tganida balki teranroq anglagandirmiz. Adabiyot aslida beqiyos ruhiy madad hamdir...

Navoiy viloyati Karmana tumanidagi 3-o'rta umumta'lim maktabining ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi, «Yil o'qituvchisi — 2004» tanlovining viloyat bosqichida birinchi o'rinni olishga musharraf bo'lgan Mahliyo Amonovaning bir soatlik darsini kuzatar ekanman, ana shu fikrlar xayolimdan o'tdi. Dars davomida 5-sinf o'quvchilarining haqiqiy adabiyot shaydolariga aylanishiyoq dildagi ana shu yorug'likka dalil edi. Quyida mazkur dars ishlanmasini gazetxonlarga taqdim etmoqdamiz.

Mavzu: Erkin Vohidovning «O'zbekim» qasidasi.

Maqsad:
1. Ta'limiy: Erkin Vohidov badiiy ijodi haqida ma'lumot, shoirning so'z san'ati va betakror lirikasiga bo'lgan qiziqishni takomillashtirish. «O'zbekim» qasidasiga

Uyga vazifa: Qasidani yodlash, izohtalab so'zlar ustida ishlash, she'rni ifodali o'qishni o'rganish.

Darsning bayoni:
O'qituvchi: — Assalomu alaykum, aziz o'quvchilar! Darsimiz — adabiyot. Davlat ta'lim standartlarining 5-sinf o'quvchilariga qo'ygan talablariga asosan siz:

— matnini to'g'ri va tez, ifodali o'qiy olish;

— mamlakatimiz mustaqilligi va bayramlari haqidagi ona Vatanga muhabbat uyg'otuvchi adabiy asarlar mazmunini anglagan holda mustaqil fikr yurita olish;

— adabiyot nazariyasiga doir bilimlarni kitobxonlik amaliyotida mustaqil qo'llay olish;

— adabiy-tarixiy davrlarga va adiblar ijodiga to'g'ri baho bera olishni bilishingiz kerak.

Shu maqsadda bugungi adabiyot darsimizni «O'zbekim», «Ona zamin», «Tadbirkor» guruhlariga bo'lamiz.

Darsimiz davomida eng ko'p tanga yiqqan o'quvchi va eng ko'p tanga yiqqan guruh aniqlanadi. To'plagan

Rudakiy qasidalarini shunday qasidalardandir. Alisher Navoiyning bolalik dagi do'sti Husayn Boyqaroga bag'ishlab yozgan «Hiloliya» qasidasi — qasidaning yetuk namunasi. Bugun siz bilan o'rganadigan «O'zbekim» qasidasi ham Erkin Vohidov qalbidan quyulib chiqqan Vatanga bo'lgan ishqning bir shingilidir.

(O'qituvchi bir baytni ifodali o'qib beradi. Sinfidagi uch guruh qolganini ikki misradan ifodali o'qiydi).

O'qituvchi:
Tarixingdir ming asrlar ichra pinhon, o'zbekim

Senga tengdosh Pomir-u oqsoch Tiyonshon, o'zbekim.

«O'zbekim»:
So'yilasiz Afrosiyob-u so'yilasiz O'rxun xati

Ko'hna tarix shodasida bitta marjon o'zbekim.

«Ona zamin»:
Al-Beruniy, al-Xorazmiy, al-Forob avlodidan,

Asli nasli balki o'zluq, balki tarxon o'zbekim.

Xarita orqali O'zbekiston, O'rta Osiyo

Bir soatlik dars

obrazini yaratishga harakat qilib ko'raman:

Salom, mening jajji kitobsevar do'stlarim. Sizlar men haqimda qanday ma'lumotlarga ega ekanliklaringizni bir qancha savollar orqali sinab olaman.

1. Mening birinchi she'rim qachon bosilgan?

«O'zbekim»: — 7-sinfda o'qib yurganingizda, «Mushtum» jurnalida bosilgan.

2. Mening birinchi she'riy to'plamim qachon nashr etilgan?

«Ona zamin»: — 1961 yil (talabalik yillari)da «Tong nafasi» nomi bilan chop etilgan.

3. Barchaga ma'lum va mashhur komediyamning nomi qanday?

«Tadbirkorlar»: — «Oltin devor».

— Balli, bilag'onlar, sizlar juda topqir ekansiz. Men sizlar uchun test savollari tuzib kelgan edim. Bir daqiqa davomida bajarib ko'ring-chi.

«O'zbekim»ga: — E.Vohidovning

«KO'HNA TARIX SHODASIDA BITTA MARJON O'ZBEGIM»

sharh. O'quvchilarda adabiyot fanini o'rganishga nisbatan xohishni oshirish, fikrlash qobiliyatini kengaytirish, dunyo-qarashini shakllantirish.

2. Tarbiyaviy: O'quvchilarning o'zaro bir-biriga bo'lgan hurmatini oshirish, jamoa fikriga quloq solish. Borliqni sevish, Vatani va xalqqa bo'lgan hurmatni oshirish, ruhiy poklik hislarini tarbiyalash.

3. Rivojlantiruvchi: Ifodali nutq ta'sirchanligini oshirish, o'quvchilar nutqidagi kamchiliklarga e'tibor berib, ularda so'zlar talaffuzining aniqligiga erishish, ko'nikmalarni takomillashtirish, shaxsiy psixologik xususiyatlarni rivojlantirish.

4. Kasbga yo'llovchi: O'quvchilarga «O'zbekim» qasidasini ifodali o'qish orqali qadimdan ota-bobolarimiz shug'ullanib kelgan hunarmandchilikka doir ilk tushunchalarni singdirish. Jamiyat taraqqiyoti uchun foydasi tegadigan kasb egalarini tarbiyalash.

5. Mafkuraviy: Vatani va xalqqa muhabbat, hayotdan zavqlanish, ruhiy poklik hislarini tarbiyalash. Milliy istiqlol g'oyasini bolalar ongiga singdirish.

Dars tipi: Aralash.

Dars uslubi: Ko'rgazmali, amaliy.

Dars usuli: Sinf o'quvchilarini kichik guruhlariga bo'lib, 1 tanga, 2 tanga, 3 tanga bilan baholash asosida ishlash.

Dars didaktikasi: O'zbek adabiyoti (5-sinf darsligi), Erkin Vohidov portreti, shoir she'riy to'plamlari, lug'at, tarqatma materiallar, test savollari, Erkin Vohidov hayoti va ijodi haqida albom, she'riy to'plamlar jadvali, obraz yaratishga doir liboslar, televizor, magnitofon, xarita.

Darsning borishi:

1. Tashkiliy qism yoki psixologik iqlim yaratish.

2. Dars rejasi:

- A) Kirish.
- B) «O'zbekim» qasidasi xususida.
- D) Izohtalab so'zlar.
- E) She'r qo'shiqqa aylanganda...
- F) Guruhlar bilan ishlash.
- J) Shoir obrazini yaratish.

3. Darsning yakuni:

Dars davomida ishtirok etgan o'quvchilarni baholash, rag'batlantirish, kundaliklarga baholarni qo'yish.



tangangizni qanday ishlarga sarflaysiz va nimalar sotib olamiz?

Darsimiz oxirida bu savol o'z yechimini topadi!

O'qituvchi: — Aziz o'quvchilar, mamlakatimizda qanday madaniyat yangiliklari sodir bo'ldi?

«Ona zamin»: — Moskvada Alisher Navoiy haykali qurildi. Yaponiyalik sayyohlar Amir Temur muzeyini sayohat qilishga keldilar.

O'qituvchi: — Erkin Vohidov kim?

«Tadbirkorlar»: — Atoqli shoir, yozuvchi, tarjimon, Oliy Majlis deputati, O'zbekiston Qahramoni.

O'qituvchi: — Xalqimizning eng sevimli va ardoqli shoirilaridan biri Erkin Vohidovning «O'zbekim» qasidasini o'qiydiz. Qasida nima?

«O'zbekim»: — Sharq mumtoz adabiyotida ko'p uchraydigan lirik janrlardan biri.

«Ona zamin»: — Qasida muhim tarixiy voqealar, ulug' shaxslarni madh etish, ularga baho berish uchun yoziladi.

«Tadbirkorlar»: — Qasidada shoirning Vatani, xalq haqidagi fikrlari ifoda etiladi.

O'qituvchi: — X asrlarda qasidalar tabiat lavhalarini, cholg'u asboblari bag'ishlab ham yozilgan. Chunonchi,

chegaralari, Pomir, Tiyonshon tog'lari ko'rsatiladi.

O'qituvchi: — Qasidada tilga olingan buyuk shaxslar haqida qanday ma'lumotlarga egasiz?

«O'zbekim»: — Al-Xorazmiy jahon matematika fanining buyuk namoyandasi. 783—850 yillarda yashagan.

(O'quvchi Al-Xorazmiy haqida o'zi to'plagan ma'lumotlar va suratni ko'rsatadi).

«Ona zamin»: — Al-Beruniy X asrning ikkinchi yarmi va XI asrning boshlarida yashagan. Sharqda birinchi bo'lib globus yasagan.

«Tadbirkorlar»: — Ko'ragoniy jadvalini tuzgan Mirzo Ulug'bek yulduzlar olamini o'rganishga ilk bor qadam qo'ydi.

Aziz o'quvchilar, bugungi darsimiz qahramoni Erkin Vohidovdek xalq ardoqlagan adib obrazini yaratishga harakat qilib ko'raylik.

Agar siz shoir o'rnida bo'lsangiz, farzandlaringizning siz haqingizda nimalarni bilishini xohlaringiz va ularga nima deb nasihat qilgan bo'lardingiz?

O'quvchi: — Men kelajakda shoir bo'lmoqchiman, shoirimiz E.Vohidov

dostonlari ko'rsatilgan qatorni aniqlang?

- A) «Yoshlik devoni», «Tirik sayyoralar».
- B) «Nido», «Ruhlar isyoni».
- D) «Sharqiy qirg'oq».
- E) «Oltin devor», «Yaxshidir achchiq haqiqat».

«Ona zamin»: E.Vohidov qachon va qayerda tavallud topgan?

A) Buxoro viloyatining Guliston tumanida 1935-yil 15-dekabrda

B) Samarqand viloyatining Narpay tumanida 1938-yil 6-yanvarda.

D) Andijon viloyatining Asaka tumanida 1934-yil 6-fevralda

E) Farg'ona viloyatining Oltiariq tumanida 1936-yil 28-dekabrda.

«Tadbirkorlar»ga: — Dilga oqsin baxtli umrim kuy bo'lib, ohang bo'lib, Sen uning «Oromijon»i, «Gulyor»i, «Shahnoz»i bo'l.

Ushbu misralar shoirning qaysi she'ridan olingan.

- A) «O'zbekim»
- B) «Nido»
- D) «Yoshligim»
- E) «Ruhlar isyoni»

O'qituvchi: — Mana, o'quvchilar, darsimizning xarajat qismiga ham yetib keldik. Qani, menga ayting-chi, peshona teringiz evaziga yig'ilgan bu tangalaringizni qanday ishlarga sarflamoqchisiz, nimalar sotib olmoqchisiz?

«O'zbekim»: — Biz guruhimiz bilan yiqqan bu mablag'ni bolalar uyiga o'tkazmoqchimiz.

«Ona zamin»: — To'plangan tangamizga Erkin Vohidov she'riy to'plamlarini sotib olib, kutubxonamizni boyitmoqchimiz.

«Tadbirkorlar»: — Biz yolg'iz bobobuvilarimiz holidan xabar olishga sarflamoqchimiz.

Uyga vazifa:
Qasidadan parcha yodlash, so'zlar ustida ishlash, qasidaning chiroyli sharhini o'rganish.

Shu bilan darsimiz tugadi, xayr.

O'quvchilar: — Rahmat sizga, muallim,

Bizga berdingiz ta'lim.

Darsni «Ma'rifat»ning maxsus muxbiri Oybuvi OCHILOVA kuzatdi.

МУАЛЛИМГА БЎЛСИН ЭНГ БУЮК ҲУРМАТ!

МУАЛЛИМ

(битиклар)

Муаллим!

Ҳаёт китобини ўргатувчи — Сен,
Мустақил ҳаётга кузатувчи — Сен.
Шодлансам шодланиб, адашсам койиб,
Менинг хатоларим тузатувчи — Сен.

Муаллим!

Сен шогирд қалбида гўеки нурсан,
Маъдан денгизида мисоли дурсан.
Сендан баҳра олар толиблар ҳар он,
Шоирлар наздида шеър шуурсан.

Муаллим!

Тўплаган илмингни қанча этсанг сарф,
Янги ва янгисин қилурсан сен кашф.
Илму маърифатдир мисоли денгиз,
Денгиз суви эса кетмагай беиз.

Муаллим!

Ҳаёт китобини ўқимоқ мушкул,
Сўнг унинг маъзини ўқмоқ мушкул.
Ўқиш ва ўқоқлик келса қўлингдан,
Ўзгага ўққанинг ўқтирмақ мушкул.

Муаллим!

Сен эккан ниҳоллар гулга кирибди,
Болари кўнмоқда гулига бот-бот.
Кўёш ҳам саховат нурин берибди,
Демакки, самарин тотасан албат.

Ёқуб НОРСАИДОВ,
Бойсун туманидаги
12-мактаб ўқитувчиси



ШОГИРД БЎЛСАНГ

Шогирд бўлсанг, эй, укам, устозга ёндош ҳалол,
Қаттиқроқ сўзлари ҳам сенга келмасин малол.

Одоб доирасидан чиқмай айтганини қил,
Ҳар битта ўғитининг маъносини чақиб ол.

Дехқон ерга ўғитни мўл солиб ишлов берса,
Шундагина шубҳасиз серҳосил бўлар ниҳол.

Ҳар битта машғулотга сидқидилдан берилиб,
Меҳр билан киришсанг, сеникидир бахт-иқбол.

Тўра ЖУМАН

Ёш боғча опа тажрибалироғидан сўрапти:
— Болани чўмилтирадиган сувнинг иссиқ ёки совуқлигини қандай аниқлаш мумкин?
— Бу жуда осон: агар бола кўкариб кетса, демак, сув совуқ, агар кизариб кетса — иссиқ.

Бойвачча талаба уйига хат ёзди:
“Ҳаммаси жойида. Болалар ўқишга автобусда катнашяпти, мен эса таксида”.
Жавоб келди:
“Ўғлим, одамлар билан бирга бўлиш керак. Автобус со-тиб олиб, унда қатнай қол”.

Кекса профессор дўстига:
— Бир куни тушимда талабаларга лекция ўқияпман. Кўзимни очсам, ростдан талабаларга лекция ўқиётган эканман.

Ота ўғлидан:
— Менда ўнта олма бор. Иккитасини есам, нечта қолади? — деб сўради.
— Билмайман, — деди ўғли. — Биз мактабда масалани апельсинда ечамиз.

УСТОЗИМ

Кўлларимга тутқазиб дафтар, қалам,
Юрагимга қувонч бериб бир олам,
Гоҳ эркалаб, гоҳ койиб гўё онам,
Раҳмат, илк бор кўзим очган устозим,
Дилимга нур, зиё сочган устозим.

Сиздан олдик одоб, ахлоқ, ҳаёни,
Онгимизга жойлаб ҳар сўз маънони,
Сўзингиздан англадик биз дунёни,
Раҳмат, илк бор кўзим очган устозим,
Дилимга нур, зиё сочган устозим.

Сиз туфайли баланд бугун парвозим,
Устоз десам жаранглайди овозим,
Бу кўшигим сизга ҳурмат-эъзозим,
Раҳмат, илк бор кўзим очган устозим,
Дилимга нур, зиё сочган устозим.

Зебо ЮСУПОВА,
Хонқа туманидаги
35-мактаб ўқитувчиси




УСТОЗЛАРГА

Сизга ким ҳам тенглаша олур,
Беллашади сиз билан ким ҳам.
Кўзларимда кўзингиздан нур,
Ақлингиздан тўлди ақлим ҳам.
Пешонада бир чизик, ўшал
Сочингизда оппоқ тола — ман.
Устоз, сизни соғиниб ҳар гал,
Саломатлик тилаб қоламан.
Устоз, сиздан улуғроқ не бор,
Сиздан буюк не кўрди жаҳон!?
Сиз — фахрли, Ватан — ифтихор,
Омон бўлинг, эй, азиз инсон!

Маҳмуд РАҲМАТУЛЛО,
ўқитувчи, Фаргона вилояти



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ҚАДРЛИ ўҚИТУВЧИЛАР, МЕҲРИБОН МУРАББИЙЛАР!



«Меҳмонхона»даги тилаклар

Фарзандларинизга
илм-маърифат улашувчи,
яшиллик ва ёмонлик, маърифат
ва жаҳоний, эзгулик ва ёвузлик,
фойда ва зарар, хулас, икки
кўйли жамиси тушулганларни
улар оқинга синдирувчи зиёлар
ҳаётида кам бўлишмасин.
Улар ҳақида ўз шогирдлари
қалбида фақат илм
хотиралар яшасин.

Эркин МАЛИКОВ,
ёзувчи

ЭНГ БУЮК ҲУРМАТ!

Гуллар интигани каби қуёшга,
Инсон мудом излар зиёю илм.

Сангтарош нақш ўйса харсангга, тошга,
Тафаккуру қалбни танлар муаллим.

Устоз зако боғин боғбони эрур,
Билим карвонининг сарбони эрур.
Илм қиёс бўлса нурга, зиёга,
Муаллим офтоби — жаҳони эрур.

Муаллим етаклаб жажжи кўллардан,
Олиб чиқар ҳаёт йўлига илдам.
Абадий жой олар мурғак диллардан,
Улғайса ҳам бўлур энг содиқ маҳрам.

Игна билан қудуқ қазган мисоли,
Муаллим чекади оғир машаққат.
У мудом яшайди ғараздан холи,
Муаллимга бўлсин энг буюк ҳурмат!

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА,
Беруний туманидаги 61-мактаб
рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

ОТАДАЙ УЛУҒСИЗ...

Отадай улуғсиз, онадай азиз,
Қуёшдай мунаввар, нондай лазиз,
Дунё жаҳолатда қоларди Сизсиз,
Менинг муаллимларим,
менинг муаллимларим.

Аҳли даҳоларга-да ўзингиз устод,
Мунис дилларга-да ўзингиз имдод,
Сиз билан кўнгиллар чароғон, обод,
Менинг муаллимларим,
менинг муаллимларим.

Умр бир борадур, умр яғона,
Савобга тўла, тўла шукрона,
Бани башар сизга парвона,
Менинг муаллимларим,
менинг муаллимларим.

Қуёшни қаритур заҳматларингиз,
Эл аро дostonдир меҳнатларингиз,
Ёғилгай Сиз учун раҳматларимиз,
Менинг муаллимларим,
менинг муаллимларим.

Орифжон ВОҲИДОВ,
Олот туманидаги
29-мактаб директори

ЭНИБ ЮРИНГ ЮЗЛАРГА

Меҳрибоним — устозим,
Айёмингиз муборак!
Эъзозлаб бугун сизни
Айтигин эзгу тилак.

Машаққатли касбингиз
Айласа-да бедармон.
Аямайсиз ўзингиз,
Бизни ўйлайсиз ҳар он.

Қайғурасиз биз учун,
Эниб-куйиб сўйлайсиз.
Сабогингиз қалбларга
Меҳрла жо айлайсиз.

Сўзим мухтасар айлаб,
Таъзим қилай сизларга.
Тилагим шул: соғ бўлинг,
Етиб юринг юзларга!

Шаҳноз ИСМАТУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ IV курс талабаси

УЙҒОҚ ИНСОН

Деразани чертар, чинқирар шамол,
Вақт ҳам чопқиллайди оппоқ тонг томон,
Тирик жон уйқуда, ёлғиз бир инсон
Ишлаб ўлтирибди, мук тушиб ҳамон.

Стolni тўлдирган тоғ-тоғ дафтарлар
Устоз нигоҳидан бир-бир ўтади,
Бармоқлар ҳам сира тинмай варақлаб
Билим жавахирин дилга элтади...

Шогирдлар ташвиши тугади. Қай вақт?
Муаллим хотиржам чўзилди бирпас?
Эртанги режалар бўлганида тахт
Тонг азони берди кулоқларга сас...

Асад АСИЛ



Яқинда бир гуруҳ иқтисодчи олимлар гурунгида бўлиб қолдим. Улар бир китоб устида қизгин баҳс юритишар эди. Айтидан, деярли ҳаммаси китоб муаллифига тан берар, у билан ҳамкасб бўлганлари боис фахрланишар ва фақат шу туйғуларини китоб таассуротлари орқали ифода этиб қолишга ошиқишарди.

Сухбат йўналишидан бу китоб янги бухгалтерия ҳисоби бўйича ёзилганини фахмладим.

— Шу йилнинг биринчи январидан мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг янги счётлар режаси тўлиқ жорий қилинди, — деди олимлардан бири. — Мана шу борада домланинг китоби ягона дарслик, ҳам қўлланма. У талабалар учун дарслик, барча корхоналарнинг ташкилот ва хўжаликлар ҳисобчилари учун эса қўлланма бўлиб хизмат қиляпти.

— Умуман, домлага тан берамиз, — деди яна бир сухбатдош, — мана, 75 ёшга кирган бўлсалар ҳам халиям унча-мунча олимнинг қўлидан келмайдиган ишларнинг урдасидан чиқадилар. Халиям институтда дарс берадилар, бундан ташқари вилоятма-вилоят юриб, бухгалтерия ҳисоби бўйича лекциялар ўқийдилар, бухгалтерлар малака ошириш курсларида машғулотлар ўтказадилар.

Мен қисқа фурсатда домланинг фаолияти билан қизиқиб қолдим. Сухбатдошларимдан бири буни сезгандек, шеригига қараб:

— Эслайсизми, домланинг Ўзбекистонда биринчи ўзбек тилида чиққан ўттиз босма табоқли "Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби" дарслигини ўқир эдик, — деб қолди.

Очиғи, ажабланганлигимни яширмадим. Дедимки, бухгалтерия аниқ фан, тагин бир соҳа — қишлоқ хўжалиги бўйича ёзилган бўлса, бунча материал қаердан олинган? Ахир, ўттиз босма табоқ — икки-учта роман дегани-ку, десам, олимлар жуда жўяли жавоб беришди:

— Четдан қараганда шундай туюлиши мумкин. Лекин бу китобларда биронта ҳам ортиқча сўз топиб бўлмайди.

Шу гаплардан сўнг домла билан учрашиб, фикрлашишга қатъий қарор қилдим.

Шу мақсадда домланинг шогирдларидан бири, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Нуриддин Жўраев билан Қибрай туманидаги Уймоут қишлоғига йўл олдим. Биз домланинг уйига бораётгандик. Йўл-йўлакай домла ҳақида билганларим шу бўлди:

Абдурахмон Сотиволдиев — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор. 1929 йилда туғилган. Аввал Тошкент Молия техникумини, сўнг Санкт-Петербургдаги Молия иқтисод институтини имтиёзли

бориб ўтирибмиз. Меҳмонлар билан суҳбатлашсинми ё талаба йигитнинг илмий ишини кўздан кечирсинми? Албатта, иш биринчи масала. Домла шогирдларини бошлаб бошқа хонага чиқиб кетар экан, бизга "чой ичиб чақчақлашиб ўтиринг-лар, мен ҳозир..." деди ва "хафа бўлмаясизларми?" дегандек синчков, лекин мулоим назар ташлади.

— Йўқ, бемалол, — ҳозир-жавоблик билан муносабат билдирди Нуриддин ака.

Менга бу қулай фурсат эди. Баҳонада домланинг илмий кутубхонаси билан танишиб оламан, деб ўйладим. Бироқ китоб жавонида қоғоз, қалам, айрим вақтли нашрлар ва

конспектига қараркан-у, биз уни "тутиб" олсак деб. Устоз конспектига кўз югуртирса, талабалар дарсини мароқ билан тингламайди, диққат бузилади.

— Илмий изланишларга қачон вақт ажратасиз? Масалан, шундай катта, мураккаб дарслик қўлланмаларнинг ёзилиш жараёни қандай кечди? Кўп вақтингиз дарсда ўтса...

— Дарс — китоб мукамал ёзилиши учун муҳим муҳит. Чунки ҳар бир мавзунинг материаллари дастлаб маърузаларда, кейинчалик амалиётда омухталанади, сайқал топади. Талабаларнинг саволларига қараб камчиликлар аниқланади. Бу соҳада ўзбек тилида

Fanimiz fidoyilari

илгариги ревизия билан боғлиқ масалалар мавжуд. Хайрон қоласан киши, нахотки, жамиятдаги шунча ўзгариш ва янгиликларни кўрмаса улар?! — Домла сиз ҳамisha ўзгаларга баҳо қўйиб келгансиз, албатта. Бугун ўз фаолиятингизга неча баҳо қўйган бўлардингиз?

— Одам ўзини ўзи баҳолаши қийин. Баҳони бошқалар берсин, муҳими шу. — Ҳаётда нимага кўпроқ эътибор берасиз?

— Таълим-тарбияга. Бу йўлда агар домла ўзи шахсий ўрнатқан бўлмаса, уни ҳеч ким тингламайди. Аввало, илмли, тарбияли, хотиржам бўлиши, оиласида камчилик бўлмаслиги керак. Шунингдек, талабчан бўлиш ҳам устознинг фазилятларидан ҳисобланади. Абдурахмон Жомий ҳазратларида шундай байтлар бор: "Агар домла бўлса беозор, унинг дarsi доимо бозор".

Домла билан узоқ суҳбатлашгимиз келарди. Бироқ айна дамда "ишдан қолдирмаяпмизми" дегандай ички андиша ҳам йўқ эмасди.

Ҳар ким ҳаётда ўз ўрнини топсин-да. Абдурахмон ака шундай пешонаси ярқираган инсонлардан. Умр жадвалида эса, ханузгача дам олишдан кўра иш, ишдан кўра режа кўп. Аввало, қўлма-қўл бўлиб кетган янги китобнинг ададини кўпайтириш, қолаверса, яқин орада "Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби" дарслигини янги счётлар асосида ёзиб, эълон қилиш. Зеро, ўз тили билан айтганда, қишлоқ хўжалигида ҳам, фермер хўжаликларида ҳам бунга эҳтиёж катта.

Яна бир гап. "Иқтисодиётда ҳам янгиликлардан муттасил танишиб турмасак, ҳаётдан орқада қолиб кетамиз", — дейди қатъиятли домла Абдурахмон ака Сотиволдиев. Мен сездим, домлани кексаликка бўйсундирмаётган куч ҳам ана шу собит ниятда. Ниятингиз илмингизга, илмингиз умрингизга эш бўлаверсин, Абдурахмон ака!

Сафар ОЛЛОЁР

ОЛИМ БЎЛИШ ОСОНМАС

диплом билан битирган. Ҳозирги Иқтисодиёт университетининг ҳисоб-китоб факультетида дастлаб декан муовини, кейин 10 йил декан бўлиб ишлаган ва ҳоказо.

Бир қарашда бу маълумотлар унчалик залворли эмас. Аммо 170 босма табоқ монография, дарсликлар, мақолалар ёзиб, очиқ матбуотда эълон қилиш ҳазилакам ишми. Ушбу ишлар фақат салмоқни билдирмайди. Уларнинг сифат даражаси энг юқори — муҳими шунда. Бу соҳа олимларининг эътирофи, иқрори, ўрни келса, ҳавасидир. Мен нимани кўшимча қила олардим.

Домланинг уйда шогирди ва унинг дипломанти, демак шогирдининг шогирди қандайдир қўлёмани кўздан кечиршиб ўтиришарди. Улар диплом ишига тақриз ёздириш учун домланинг хузурига келишган экан. Биз борганда, муҳокама жараёни қизгин давом этаётган эди. Домла биздан шу ишни охиригача етказиб қўймоқчи эканини айтиб, йигирма дақиқача узр сўради. Ўз-ўзидан равшанки, домланинг вақти зиқ эди, бунинг устига, биз меҳмон бўлиб

қўлёмаларгина бор эди, холос. Мен эса турли қўлланмалар, маълумотномалар, илмий лўғатлар, масалан, иқтисодий терминлар изоҳли лўғати ёки бухгалтерия терминлари лўғати сингари китоб тўпламларини кўраман, деб ўйлагандим. Қолаверса, ёстикдай-ёстикдай кўп жилдли асарларга, қомусларга кўз кўниқиб қолган, ахир... Таассуротларимга ҳамроҳим ойдинлик киритди:

— Домланинг калласи — компьютер, ҳамма билим ичида. Ҳатто лекцияларидаям конспектдан фойдаланмайди.

Кўп ҳаялламай домла келиб даврамизга қўшилди. Сухбатни айнан шу гапдан, яъни дарс ўтиш жараёнида матнманбалардан фойдаланмаслик боисидан бошладим. Домла аввал кулди, кейин камтарлик билан жавоб берди:

— Йўқ мен ҳам ҳамма домла қатори маъруза матнларини ёзаман. Лекин дарс ўтишда... яхшиси, бошқа гапни айтмай, талабаларимга: мен ҳам конспекта қарайман, аммо сизлар буни кўрмай қоласизлар, дейман. Улар эса дарсининг бошидан охиригача мени диққат билан кузатишади, қачон домла

адабиётлар жуда кам, борлари эски счётлар асосида ёзилган. Хабарингиз бор, солиқ ставкалари ўзгариб кетди. Бу китобнинг долзарблиги шундаки, унда энг охириги счётларни "ипидан игнасигача" дегандай таҳлил қилдим. Бу ишни, барибир, кимдир қилиши керак эди — бу ҳаётини зарурат. Акс ҳолда пала-партиш чиққан китоб-қўлланма талабаларнинг, жойларда амалий фаолият юритаётган иқтисодчи-ҳисобчиларнинг чалғитади.

— Шундай ғализ дарсликлар, китоблар борми?

— Афсуски бор.

— Масалан?

— Масалан, майли, муаллифи сир бўла қолсин, яқинда чиқарилган бухгалтерия ҳисоблари ҳақидаги китоблардан бирида "Касса муаммолари" деган гап бор. Шу ерда ёзилганки, текширув пайтида кассадан ортиқча чиққан пул бюджетга ўтказилади, деб. Бу нотўғри, эски тузумдан — алмисоқдан қолган гап. Ҳозир бундай эмас. Шунингдек олдинги китобларни сал таҳрир қилиб, янги ном билан нашр этаётганлар ҳам, афсуски, учраб турибди. Уларда, тасаввур қилинг,



ЎҚУВЧИНИНГ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ

Яқинда таҳририятимизга бир муаллима аёлдан ташаккурнома тарзида ёзилган мактуб келди. Унда айтилишича, бундан бир неча йиллар олдин Сурхондарё вилоятдан пойтахтга абитуриентлар келади. Лекин аттестатларида типографик хатолари бўлгани учун бирорта ОУЮ уларнинг ҳужжатларини қабул қилмайди. Ёзининг жазирама иссиғи, бунинг устига қабул тугашига санокли кунлар қолган. Фарзандлари билан келган ота-оналар ёрдам

сўраб кўп жойга боришарди. Лекин натижа бўлмайди. Охири бирон чора топилар, деб Халқ таълими вазирлигига бориб, бирикки одамга вазиятни тусунтиришади. Улардан керакли жавобни ололмагач, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетмоқчи бўлиб турганларида, бир аёл уларнинг нима мақсадда келганликларини сўрайди. Уларнинг муддаоларини эшитгач, масалани бир кунда ижобий томонга ҳал қилиб беради. Бу аёл Баҳринисо Жўрақулова эди. Ҳозиргача уларни топа олмаямиз. Раҳматимни етказинг, деб нуқта қўйганди Р.Расулова ўз мактубига.

Мактуб баҳона Баҳринисо опа билан Тошкент вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизи-

мидаги ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашдик. — Тошкент вилоятида 75 касб-хунар таълими муассасаси бўлиб, шундан 3 таси академик лицейлардир. Қишлоқ хўжалиги, компьютер ва ахборот технологиялари, қурилиш, тиббиёт, саноат, педагогика йўналишидаги коллежларда 50 мингдан ортиқ ўқувчиларга 4 мингдан ошиқ ўқитувчилар дарс беришади, — дейди опа.

— Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежлари чет эл таълими муассасалари билан ҳамкорлик қиладими?

— 4 та коллежимиз Осиё тараққиёт банкининг ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳасига қўшилган. Бу лойиҳага кўра банк

уларни керакли жиҳозлар: компьютер, ксерокс, факс билан таъминлайди. Коллеж раҳбарияти ва ўқитувчилар эса, чет элда малака ошириб келишади. Яқинда яна бир гуруҳ ўқитувчиларнинг Австралияга сафари режалаштирилмоқда. Шунингдек, 4 та қишлоқ хўжалиги йўналишидаги коллежлар Япониянинг ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳасига қўшилган. Бу лойиҳага кўра талабаларнинг касб сирларини яхши ўзлаштириши, касбий фанлардан амалиёт ўташи учун мини трактор, мини комбайнлар ажратилади. Яна икки коллеж Германия техника ҳамкорлик ташкилоти билан алоқа ўрнатган.

— Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш қан-

дай тарзда амалга оширилади?

— Бошқармада иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тизими бўлиб, унда ҳар бир коллеждаги истеъдодли ўқувчилар ҳақида маълумот тўпланади.

2004 йилда 18 та умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган олимпиадага вилоятдан 1000 га яқин ўқувчи қатнашиб, 26 таси совринли ўринни эгаллаган бўлса, республика миқёсида 5 ўқувчидан 2 нафари 2—3 ўринни олиб, бу йил институтга имтиёзли қабул қилинди.

Ўқитувчи, методист, мактаб раҳбари лавозимларида 27 йилдан бери фаолият юритаётган Баҳринисо Жўрақулова ҳозирда Тошкент вилояти ўрта-махсус, касб-хунар

таълими бошқармасида ўқув ишлари бўйича муовин вазифасида ишлайди. Педагогика фанлари номзоди, Халқ таълими аълочили бўлган бу аёл вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раёсат гуруҳига аъзо бўлиш билан бирга ёшлар билан ишлаш гуруҳига раҳбарлик қилади.

— Ҳозирги ёшлар олдингиларидан фарқ қиладими. Уларни бир соҳага қизиқтириб, ҳунарга ўргатиш учун эркинлик яратиш, халқаро миқёсдаги педагогик технологияларни жорий қилиш керак. Ўқувчиларнинг ёмони бўлмайди. Фақат уларни қизиқтира олиш, мустақил фикрлашга ўргатиш лозим. Халқаро талаблар даражасида дарс бериш давр тақозосидир, — дейди опа.

Замон билан ҳамнафас одимлаётган бундай фидойи одамлар таълим тараққиёти, келажак пойдевори учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

**Ўзбекистонимизнинг меҳрибон муаллимларини,
жонкуяр устозларини ва халқимизни
умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар
куни билан чин юракдан табриклаймиз!**



«Матбуот тарқатувчи» очик акциядорлик компанияси

Farmon va ijro

Ўзбекистон Республикасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни ҳаётга татбиқ этишнинг турли шаклларида ижодий фойдаланилмоқда. Илгари бошлангич синф, меҳнат, музика, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, касбий таълим ўқитувчиларининг катта миқдори ўрта махсус таълим муассасаларида тайёрланган, лекин уларга олий маълумот олишда ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган, балки умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари билан бир хил мақомга эга эдилар. Албатта, педагогик фаолият юритаётган, кўп йиллик стажига бўлган шахслар амалиётчи бўлганликлари учун ҳам назарий жиҳатдан ўзларининг имкониятларини қабул жараёнида тўлиқ намоён қила олмасликлари табиий эди. Қолаверса, 120 мингдан ошдиқ ўрта махсус маълумотли педагогга олий маълумот бериш зарурати келиб чиқди. Бу ҳол Ўзбекистон Республикаси Президентининг диққат марказида бўлди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги "2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги 250-қарорининг айрим моддаларига асос бўлди. Унинг ижроси ўлароқ, ҳозирги кунда умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ишлаб турган, лекин олий маълумоти бўлмаган педагоглар бакалавр академик даражасини олиш имкониятига эга бўлдилар. Юртбошимиз имзо чеккан бу қарорнинг аҳамияти шунда эдики, унда жаҳон амалиётида илк бор олий таълимда **махсус сиртқи бўлим** деган тушунча пайдо бўлди ва шу қарорнинг 5-, 6-бандларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг нуфузли 8 та олий таълим муассасаси қошида махсус сиртқи бўлимлар очилди. Булар **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Наманган муҳандислик-педагогика, Бухоро озик-овқат ва энгил саноат технологияси институтлари, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Урганч, Қорақалпоқ давлат университетларидир.**

Ҳозирга келиб, махсус сиртқи бўлимнинг **ҳуқуқий ва ўқув-методик базасини** яратишга муваффақ бўлинди. Аввало, бу бўлим ўз "Низом"ига эга бўлди ва унинг барча илмий-методик муаммолари Низомий номидаги ТДПУ қошида ташкил этилган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрларининг махсус сиртқи бўлимларида бакалаврлар даражасида ўқитишнинг илмий-амалий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш"да муҳокама қилиниб, ўқув жараёнига татбиқ этиб борилмоқда. Тасдиқланган давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув режалари асосида таянч ва ишчи ўқув режасини ҳамда фан дастурлари ишлаб чиқиш, мавжуд ўқув адабиётлари асосида махсус сиртқи бўлимга мосланган маъруза матнлари яратиш, амалда бўлган таълим методлари ва технологиялари асосида бу бўлимга хос ҳамкорлик педагогикаси, интерактив методларни танлаш қоидаларини белгилаб берди. Энг муҳими, махсус сиртқи бўлимда билим олишнинг асоси мустақил тайёргарлик эканлигини ҳисобга олиб, сессия оралиғи назорат ишларида алоҳида эътибор берилмоқда. Маълумки, аънададаги сиртқи бўлимда назорат ишлари кўпроқ у ёки бу мавзунини чуқурроқ ўрганишга қаратилган эди. Дастлабки даврда бу тажриба махсус сиртқи бўлимда ҳам қўлланди. Бўлим ўқув жараёни ва амалда бўлган рейтинг та-

зими бу тажрибанинг эскирганлигини ҳамда бу усул фан ёки курс бўйича тўлиқ тайёргарлик кўриш учун етарли эмаслигини кўрсатди. Бу ҳол эса сессия оралиғи назорат ишларининг мазмунини тубдан қайта ишлаб чиқиш заруриятини кун тартибига қўйди. Буни инобатга олган ҳолда мувофиқлаштирувчи кенгаш раҳбарияти сессия оралиғи назорат ишларининг **янги тузилмасини** ишлаб чиқди ва олий таълим муассасаларига тавсия этди. Натижада ўқув режасига кирган ҳар бир фаннинг тўла мазмунини ишлаб чиқиш ҳамда якуний назоратга тайёрлиши мумкин бўлди. Муҳими шундаки, талаба назорат ишларини бажаришда толиқиб қолмайди, балки уни амалга оширишда ранг-баранг мустақил иш шаклларида фойдаланади: фаннинг бир бўлими бўйича деталлаштирилган саволларга жавоб қидирадилар, иккинчи бўлими бўйича эса, тест топшириқларини, учинчи бўлими бўйича мисол, масала ечади-

Республикамизда махсус сиртқи бўлим талабаларини масофадан туриб ўқитиш ҳам бошланди. Бу борада Низомий номидаги ТДПУ, Гулистон ДУ, Бухоро ООЕСИларида амалий ишлар қилинмоқда, видеоконференциялардан, электрон почталардан фойдаланилмоқда. Лекин бу ишлар кенг ривож топмапти ва улар галдаги вазифалар бўлиб қолади.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, оқилона ўйланган ва ташкил этилган махсус сиртқи бўлимга эътибор нафақат республикамизда, балки Марказий Осиё республикаларида ҳам кучаймоқда ва улар ҳам биздан ўрнак олиб, уч йиллик сиртқи таълимни жорий қилишга ўтмоқдалар. Республикадаги бу бўлимга қизиқишнинг ортиб бораётганлигини 2004 — 2005 ўқув йилидаги қабул жараёнида ҳам кўриш мумкин. Бу ўқув йилида йўналишлар бўйича ўрнатилган ўринларга ҳар йилгидан 1,5—2 баравар кўп хужжат топширилди.

Республикамиз олий таълим

билдириши мумкин. Бунга қарата: "Аввал сиз яратиб қўйинг, сўнгра талаб қилинг" деган бўлар эдик. Замонавий адабиётлар мўл-кўллигини таъминламас эканмиз, махсус сиртқи бўлимда сифатли педагог кадр тайёрлай олмаймиз.

Бундан ташқари, талаба-ўқитувчиларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга одатлантиришимиз лозим. Эндиликда барча олий таълим муассасалари махсус сиртқи бўлим ўз бисотидаги мавжуд ўқув адабиётлари, тарқатма материаллар ва электрон ишланмаларни интернет ва электрон почталарга жойлаштиришни ўз бурчи деб қарашлари керак. Ваҳоланки, бир қатор олий таълим муассасалари бу ишга ҳали киришганлари йўқ.

Махсус сиртқи бўлим талабаларини сессияларга чақиришда улар ишлаб турган умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларининг ўқув жараёнига зарар етказмаслик нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Шунингдек, олий таъ-

даги бу қайдлар турлича талқин қилинмоқда. Биз уни дастлаб шундай тушунишга ҳаракат қилдик. Яъни, ўрта махсус маълумотли бошлангич синф ўқитувчиси, олий таълим муассасасининг "Бошлангич таълим ва спорт-тарбиявий иш" йўналишига, иқтисодий йўналиши бўйича ўрта махсус маълумотли ўқитувчи (иқтисод коллежларидан бирида ишлайди), олий таълим муассасасининг ижтимоий-иқтисодий соҳа йўналишларига ҳужжат топширишга ҳақли. Лекин айрим мутасаддилар ўрта махсус таълим дипломи қайси йўналишдан бўлишидан қатъи назар ишлаб турган иши характерига кўра олий таълим бакалавриат йўналишларига ҳужжат топширишга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди. Масалан, ҳуқуқ иختисослигини битирган ўрта махсус маълумотли шахс мусиқий йўналишига ҳам ҳужжат топширишга даъвогарлик қилиши мумкин. Бу ҳолатда бизнинг назаримизда, махсус сиртқи бўлим ўйланган мақсаддан йироқлашиб кетади. Таълим мазмунига кўра, қайси тайёрлов йўналишини битирган қайси бакалавриат йўналишига ҳужжат топшириши мумкинлигини акс эттирувчи жадвал ишлаб чиқилиши ва у тегишли ташкилотларда тасдиқдан ўтиши зарур. Бошқача айтганда, абитуриентнинг иши асосий мезон бўлиб қолмаслиги лозим.

Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 3-бандида давлат тест марказига "Олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига **мослаштирилган кириш тест синовлари** материаллари"ни тайёрлаш тўғрисида топшириқ берилган эди. Бу топшириқ ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш ҳозир ҳам кеч эмас, чунки 5 — 10 йиллик педагогик стажга эга бўлган ва ҳозир халқ таълими тизимида баҳоли қудрат ишлаб келаётган ҳамда ўқувчиларнинг таълимга бўлган талабини қондириб келаётган олий маълумоти бўлмаган ўқитувчилардан чуқур назарий тайёргарликни талаб қилиб бўлмайди, балки улар амалий ишларга мослашиб қолган. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, меҳнат фаолияти 3 — 4 йил бўлган ўқитувчилар кириш тестларидан катта иш стажига эга бўлганларга нисбатан кўпроқ муваффақият қозонмоқдалар. Шу тufайли мослаштирилган тестларга ўтиш долзарб бўлиб қолади. Ана шундай олий таълимга муҳтож тажрибали ўқитувчиларни кўпроқ қамраб олган олий таълим муассасаларига ажратилган ўринларни ҳам тўла қоплаган бўлар эдик.

Кўринадики, махсус сиртқи бўлим алоҳида эътиборга муҳтож. Ундаги ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, бу бўлим орқали сифатли ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, ҳозир ишлаб турган тажрибали муаллимларни бу бўлимга кенгроқ жалб қилиш борасида режали ишлар бизни кутмоқда. Махсус сиртқи бўлим яшайди, бу бўлимда изланиш ва тадқиқотлар давом этади.

Самихон АШИРБОВЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ қошидаги "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрларининг махсус сиртқи бўлимларида бакалаврлар даражасида ўқитишнинг илмий-амалий фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш" раиси, профессор

МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ:

Ҳар йилгидан икки баравар кўп хужжат топширилди

лар. Тўртинчи бўлимда йилли технологияларга асосланган вазифаларга киришадилар. Ниҳоят, методик фанлар бўйича яна ўз тажрибаларини илова қилишади. Тан олиш керак, бундай назорат ишлари вазифаларини ишлаб чиқиш ва уни муайян муддатларда янгилаб туриш кўп куч ва изланишни талаб қилади. Бу борада ижодий гуруҳлар жиддий фаолият кўрсатишлари лозим бўлади, айти пайтда унинг дастлабки намуналари ҳам пайдо бўлди.

Махсус сиртқи бўлимда талаба эмас, балки **ўқитувчи-талаба** билан машғулот олиб борилади. Шу тufайли ҳам касбий ҳамда иختисослик фанлари бўйича бу тоифа талабаларга машғулотларни ташкил этишда **ҳамкорлик педагогикаси** муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, бу бўлимда ўз йўналиши бўйича муайян касбий маҳоратга эга бўлган талабаларнинг билим олиш эҳтиёжини қондириш учун олий таълим муассасаларининг фақат **тажрибали ўқитувчилари, фан докторлари, фан номзодлари, профессор, доцентларга** жалб қилинган.

Махсус сиртқи бўлимларда **битирув малакавий ишлари банки** яратилган бўлиб, бошқа таълим шаклларида фарқли равишда унинг мавзулари **талаба-ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятлари билан бевосита боғланди**, яъни уларнинг ўз иш тажрибалари, ижод қилган ўқув методик қўлланмалари, тавсиялари, илмий методик ишланмалари битирув малакавий иши сифатида ҳимоя қилинмоқда.



муассасаларида махсус сиртқи бўлимларнинг фаолият кўрсатишнинг ҳақиқатан ҳам ўрта махсус маълумотли ўқитувчи ва тарбиячиларга бўлган улкан ғам-хўрлик деб тушуниш керак. Талабаларни фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида тайёрланган ўқув адабиётлари билан таъминлашни йўлга қўйиш лозим. Бундан талабалар ўқув адабиётлари билан таъминланмаган экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Аввал айтилганидек, ўқув режасидан ўрин олган барча фанлар бўйича камида бир вариантда ўқув адабиёти билан таъминланган. Гап бу ўринда бошқа мазмунда, яъни бир фан бўйича камида уч ва тўрт вариантда дарслик ҳамда қўлланмалар яратиш устида боради, токи талаба сессия оралиғи топшириқларини бир неча адабиётдан фикрлаб, талқинлаб, ранг-баранглигида ўзига зарурларини танлаб ола билсин, у ёки бу ҳодисага мустақил равишда баҳо бера олсин. Бизнинг айрим оппонентларимиз сиртқи таълим амалиётидан келиб чиқиб: "Сиртқи бўлим талабаси тайёр дарсликни ўқимайдию, яна уларнинг бир неча вариантларини яратиш зарур, деяпсиз" деб эътироз

лим муассасалари сессияни ташкил этишда айни замонда талабалар учун ҳам қулайлик туғдиришга ҳаракат қилмоқдалар: Тошкент, Урганч, Самарқанд, Гулистон шаҳарларида яшовчиларга дам олиш кунлари машғулот ташкил этмоқдалар. Бу, албатта, яхши. Лекин

бу аънадан воз кечиш даври ҳам келди. Эндиликда талабани масофадан туриб ўқитиш, унинг билим назоратини аниқлаш чора-тадбирларини кўришимиз, унинг ишланмаларини яратишимиз лозим. Бунда матбуот нашрларидан фойдаланишни унутмаслигимиз даркор. Бирор ўқув адабиётининг ёзиб тугатилишини кутиб ўтирмасдан, унинг айрим бобларини газеталардан (у хоҳ марказий, хоҳ маҳаллий бўлсин) "Махсус сиртқи бўлим талабалари академияси" рубрикасида эълон қилиб бориш аънаанага айланиши керак. Махсус сиртқи бўлими бор олий таълим муассасалари ўз ижодий ишланмаларини, ташкилий ишлар тақдимотини навбат билан ўтказиб туриши, тажриба алмашишнинг энг олий шакли деб қаралиши тўғри бўлади. Бундай тажрибалар Низомий номидаги ТДПУ ва СамДУда мавжуд.

Маълумки, махсус сиртқи бўлимда таълим сифатини кўтаришда сифатли қабулнинг ҳам ўрни жуда катта. Бу борада муҳокаматалаб масалалар ҳам бор. Жумладан, юқоридаги қарорда ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагогик стаж деган тушунчалар бор. Хужжат-

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

Ўқиб улгурганим шу бўлдики, ушбу йирик мақола — эҳтимол тадқиқот Шароф Рашидовнинг "Ғолиблар" қиссасининг роман нусхаси ҳақида экан: "Вей, роман ҳали чиқмади-ку? — деб ҳайрон бўлдим. — Шу темада гап юрарди, лекин..." Лекин биз студентлар бу гапларга унчалик парво қилмасдик. Чунки Шароф акани ҳам ҳалиги — домла айтмиш "иккинчи ҳалқа" ёзувчилари сафига кўшиб кўйгандик. Тўғрироғи, мен мактабдалиқ чоғимдаёқ бу ердаги адабий давраларда Шароф акани соцреализм методидида ижод қилароқ "ҳаётни безаб-бежаб кўрсатадиган адиблардан" деб ҳисоблашар, мен эсам ўша вақтларда "Ғолиблар" қиссасини севиб ўқиб: "Ҳаёт шундай бўлиши керак", деб ўйлардим ва асар мазмунига-ю қаҳрамонлар ҳаракатига ҳавас қилардим.

Тўғри, қиссада ўзбек қизининг ўрис инженерини "севиб қолиши" ғашимни келтирар, бироқ буни бировга айтолмас эдим. Қолаверса, асар охирида олисда кўринган чи-

таниш осонмасди. Лекин биз жадаллаган сари уларни аниқ кўра бошладик: ўзимизникилар эди.

Кўшжонов домла — бошида сур папоғи, у кишининг ёнидаги Ҳасан Тўрабеков домлага зўр бериб бир нимани тушунтирмакчи бўларди, уларнинг ортида Иброҳим Ғофуров — фавворага тикиляптими, домла билан Ҳасан аканинг гапини тинглаяптими — билиб бўлмасди; улардан нарироқда курсдошларим: Турсунбой билан шоирамиз Назира Холбобоева ҳамда синглимиз Муҳаббат Туробова — барида теран бир сукут.

Матёқуб ака... Ғудда-ғудда, но-текис, баҳайбат новвот ёмбисидек фавворага қандайдир нописандлик билан тикилаётганга ўхшар, бу ифоданинг тагида нимадандир зафар қозонган, аммо кўп йўқотишлардан ҳам бағри хун саркарданинг изтиробу тантанаси-да кўриниб турарди, назаримда.

Орамизда беш-ўн қадам қолганда, курсдошларимиз ҳам бизни таниб қолишди ва нималардир дейишди чоғи, Матёқуб ака бизга кескин бурилиб, энди шодон табассум билан:

— Ким экан ўша шаввоз танқидчи? — деб деярли шанғиллади Турсунбой. — "Тўлқинлар" ҳақида гап кетвотти дейман?

— Ҳа-да.

— Ўзи кеча чиқди-ку? Қачон улгурибди экан... ўқишга ҳам, ёзишга ҳам?

Домла мийиғида беозоргина кулимсиради-да, кўлидаги кўлёмзани хиёл қимирлатди.

— Мен ҳам улгурибман-ку? — деди. — Ҳали муҳокамага кўйилмаган романи ўқиб, мақола ёзишга?

— Айтмоқчи, домлажон, ўша роман қачон чиқар экан? — деб қолди Назира эркаланиб. — Яхшими ўзи?

— Саволингизга бир сўз билан жавоб беролмайман, — деди домла бирдан жиддий тус олиб. — Повестдан роман чиқариш жуда мураккаб жараён... Ҳўп, майли. Роман чиқсин-чи. У чиқиши билан бу мақолаям эълон қилинса керак. Ўқиб кўрасизлар. Мулоҳазаларингизни эшитаман.

Шунда Иброҳимжон домлага ёндошиб келиб:

қуримаган романини ўқиб чиқиб, "хилват"да мақола ёзишга ҳам улгурган эканлар.

Тавба, буларга-ку, мана, айтар (айтган) эканлар (бугунми, олдинроқми — барибир-да) менга... энг яқин шогирдларига илгарироқ бир оғиз айтиб кўйсалар бўларди-ку?

Бунинг нимаси сир экан? Менга айтмасликлариди нима маъно бўлиши мумкин?

Қисқаси, нима бўлишдан қатъи назар, назаримда, домлам-устозим, ўзининг қандайдир (бу аниқ) принципларига қарши иш тутгандек эди.

Тўғри-тўғри, у киши Адабиётдаги айрим "нуқсонлар"га кўз юмиш лозимлигини айтган эдилар. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг "Синчалак"и бобидаги савол-жавобимизда...

Аммо "ўртача ёзувчилар" асарлари ҳақида ҳалигача, маълумки, бир сатр ҳам ёзмаган эдилар.

Буни ҳамма биларди...

Тагин, қизиги — романиям, мақолаям яширинча ўқиб, ёзганга ўхшайдилар...

Ва, ниҳоят, бугун уни ошкор этиб юборганлари ҳам қизик.

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

лар-у, менинг у кишига айтишим мумкин бўлган қандайдир гапларим ичимда қолиб кетадигандек эди: пироварди, устоздан гашланмоқда эдим.

— Ҳўш, эшитамиз, — дедим Назирага: зеро, унинг шундай нозик вақтда мени четга тортиши, демак, ўта муҳим (эҳтимолки, домлага тегишли) гап-янгилик айтмоқчилигини англатарди.

— Шукуржон, тўғрисини айтинг, — деди у ўша жилмайишига эркалик ҳам кўшилиб. — Саидахонга уйланасизми энди?

Миямда чақмоқ чақилгандек бўлди ва яшин нурида Саида ҳам кўриниб кетди. Шунга бўла у ҳақда негадир ўйламаётганим, ҳатто эсламаётганимга ҳайрон қолиб, бунга сабаб — домла экани, йўқ-йўқ, ундан олдин ётоқжойи гами бошимга тушгани ва ҳоказолар эканини идрок эта бошлаганим ҳолда, бирдан жаҳлим чиқди.

— Буни сизга нима кераги бор? — деб юбордим, яъни "буни билишинг" дейиш ўрнига. Аммо шу

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

роқларнинг — "Кремл чироқлари" деб аталиши ҳам беўхшов-ишончсиз туюларди: Кремл қаёқда-ю, ўзимиздаги бир қишлоқ қаёқда!

Кейин қишлоқларда, жумладан, ўзимизнинг Бойсундаям кечаси чироқлар ёнавермасди. Яъни, электр чироқлари... "Тап-тап" аталмиш электрстанциямиз қош қорайгандан кейин бир-икки соат тапиллаб турарди, холос...

Тошкентга келганимдан кейин ушбу асару унинг муаллифи ҳақида тор давраларда дастлаб эшитганим устига, дунё адабиёти билан имкон қадар танишув, айниқса, домла Кўшжоновнинг "реалистик адабиёт" ҳақида, соцреализм (бинобарин, унинг талаблари) ҳақида ва энг муҳими, "Бадий маҳорат сирлари" ҳақидаги сабоқларини ўзлаштириш орқасида "Ғолиблар" ҳақидаги баҳолар ҳақ эканига иймон келтириб бўлган эдим.

Ёнимда тўнғиллаб, қадамимни санагудек бўлиб келаётган Махмуд Саъдинов бирданга кўлини узатиб, мақолани тортиб олди.

— Кейин ўқийсиз дедим-ку? Бунинг ўрисча нусхаси аллақачон цекагаям етган...

— Нега цекага? — деб сўрадим.

— Бу ёғини Матёқуб акадан сўрайсиз... — Махмуджон шундай дебоқ олдинга — майдонга тикилиб қолди.

Мен ҳам майдондаги оппоқ фаввора томонга қараганча:

— Мақтаганларми? — дедим.

— Ҳа, йўқ, — деб талмовсиради у. Кейин қиқиллаб кулди. — Усталик қилганлар аммо...

ФАВВОРА ҚОШИДА

Яхлаб қолган фаввора пешин қуёшида шундай ярақлар эдики, тагин қуёш унинг у тарафида қийшайиб нур сочаётгани боис тикилсанг кўзинг қамашар, фаввора атрофида гурунглашиб турганларни

— О, бизнинг устоз-ку! Ниҳоят! — дедилар.

— Салом, шогирд! — Махмуд Саъдинов дабдурустан шундай деб бақирди-ю, сирпаниб йиқилишига сал қолди.

Мен уларнинг бунчалиқ яқин ва ҳазилкаш эканларини негадир билмас эдим. Шуни идрок этароқ: "Демак, домла мақола ҳақида анавуларгаям айтган чиқар", деган ўй ўтди хаёлимдан: ажаб, назаримда, бу мақола ҳақида домламиз камроқ гапиргани маъқул эди.

Йўқ; аксинча бўлиб чиқди.

Махмуд Саъдинов жамоага тил учида салом бериб, жилдини очди ва кўлёмзани чиқариб берди.

Домла мақолага жилмайганча бир тикилди-ю, илқис бош кўтариб:

— Э, Шукурвой, кечирасан...

Яхши келдингми? Бойсунлар жойидами? Чол-кампирилар... — деди.

Шунда у киши томонга жилишган (афтидан, кўлёмзага бир кўз солиш учун) курсдошларим ҳам менга дафъатан эътибор этиб, тўхташди.

— Раҳмат, домла. Сизни сўраб юборишди, — дедим.

— Янги йил оқшомида радиони тингладингми?

— Тингладим ҳисоб... — дедим.

— Сизга раҳмат, домла. Сўзбоши учун...

Домла туйкус хириглаб кулди. Назаримда, кўлидаги мақоласинида унутган эди.

— Сўзбоши... Сўзбошига қарши сўзбоши тайёр бўпти, ҳа. — Бошқаларгаям тегишли қилиб, давом этди: — Бадий асарни ҳар ким ҳар хил тушунади-да. Айниқса, Шукурвойнинг югурик стилида ёзилган бўлса... Ўша мақолаям ўқийсизлар яқинда. "Ўзбекистон маданияти"да чиқади. Менга корректурасини кўрсатишган эди... Шукурвой, кўнглингга олма. Сени йўлинг тўғри...

Мен гаранг-паришон эдим. Курсдошларим ҳам домланинг оғзига тикилиб қолишган эди.

— Бир кўрсам, майлими? — деб қўл узатди.

Домла кулиб ва аллақандай ийманиб:

— Бўлмасам сиз ҳам шуни бир ўқиб чиқинг, — деди. — Ҳарқалай, ҳукумат бошлиғининг ижоди ҳақида...

Ҳамманинг юзида бир жилмайиш зоҳир бўлди.

Шу пайт факультет томонда ҳансираб, тойиб-тойиб келаётган киши Норбой ака экан. Келибоқ:

— Совуқ-ку, бу ҳайкалнинг нимасини томоша қиласизлар? — деди ва гапига муносабат кутмай, домлага рўпара бўлди. — Фақат партия учётингиз қолди. Озод ака ҳалиям келгани йўқ... Билмадим, бугун университетга келишни истамаганлар...

— Истамаган, — деди Матёқуб ака хотиржамлик билан. — Ҳўш, Ибройимжон, агар истасангиз, романинг кўлёмзасини ҳам беришим мумкин.

— Жуда яхши бўларди-да, домла.

ЎША ПАЙТДАГИ ҲОЛАТИМ ҲАҚИДА

Бу ерда мен жуда мураккаб бир ҳолатда эдим: ҳамма нарсани, жумладан, муз қотган фонтанни ҳам кўриб, ҳатто тасвирини ичимга жойлаб турардим; бу ердаги жамоани келишгани ҳам аён эди. Табиийки, мажлисдан кейин Матёқуб ака Махмуд Саъдиновнинг йўлига чиққан ва шогирдлари у кишига эргашиб келишган эди.

Ва энг муҳими, Матёқуб ака, демак, ўша қисса-романи ҳақида мақола ёзганини... буларга айтгани ва бундан менинг беҳабар қолганим эди: яъни, домла, хато қилмасам, асар муаллифи ижоди ҳақида деярли гапирмаган эдилар! Холбуки, у кишининг ҳали сиёҳи

Шошма-шошма, ушбу мақола-ю, роман ҳақидаги гаплар оғзида гап турмайдиган Махмуд Саъдиновнинг барибир айтиб кўйишини ҳис этгани-билгани учун бунинг олдини олиб, мана буларга ҳам ўзлари айтиб бериптиларми?

Эҳтимол.

Мен домланинг ҳар бир ҳаракатини пинҳона шубҳа кўзи билан кузатдим: андак, андақкина хижолат ҳиссини сезгим-кўргим келар, илло, ичимдаги оғриқми, ҳайратми, шубҳа-гумонларми — бари-барининг таъқиби ва тақозосида кузатардим домлам-устозимни... Йўқ; у кишим қандайдир мамнун, ҳатто тантанавор эди... Мана, мақолани Иброҳим Ғофуровга ҳам бердилар...

Ажаб, иложи бўлса, ҳаммага бериб ўқитадигандек туюла бошлади менга...

Шундай ўйчан ҳолатда эканман, Назира ёнимга келиб, тирсагимдан бемалол ушлади. Мен бу соддадил, беғараз ва долиғули қизга бошимни кўтариб қарадим (у мандан бир бошлар баланд эди). У қизгин жилмайганча:

— Бир оғиз гапим бор, — деб шивирлади.

Мен ўзимни, ҳарқалай, ноқулай сезиб, хиёл четландим.

— Гапираверинг.

— Йўқ, — деди у бирдан атрофга қараниб ва эркатойлик билан. — Ана, анетга борайлик...

— Ҳмм, ҳа, майли. — Беарво юриб, ҳовузга яқин бордим ва беихтиёр сигарет тутатдим.

— Шукуржон, — деб шивирлади энди у узун бармоқли ориқ кафтини нақ елкамга кўйиб ва эгилиб олди. Сўнг юзидаги қизгин жилмайиш ажиб бир завққа айланди.

НАЗИРАНИНГ ОҒОҲЛАНТИРИШИ

Шунда дафъатан шошилаётганимни ҳис қилдим: назаримда, домла Кўшжонов ҳозир кетиб қолади-

оннинг ўзида унинг саволидан завқим келаётганини ҳам туйдим: "Уйланасизми? Мен уйланадиган йигит бўлдим-а? Мана, курсдошим ҳам..."

— Кечирасиз, Шукуржон, — дея хиёл довдираб қолди Назира. — Майли, айтишни истамасангиз...

Энди унинг айтажак гапига бот қизиқиб қолиб:

— Шундай деманг-да, — деб зарда қилдим. — Ўзингиз бошладингиз. Ҳўш? Дейлик, мен уйланаман ўша қизга?

Унинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Табриклайман, азизим!

"Оббо!" дедим ичимда. Сиртимда эса:

— Ҳўш? — дедим яна. — Бор гапингиз шумиди?

— Вой, мунча агрессивсиз бугун? Йўлда толиқибсиз дейман? Автобусдан тушибоқ келаётганга ўхшайсиз...

— Топдингиз.

Назира бирдан ўйланиб қолди. Сўнг анавуларга бемалолгина қараб олиб, Муҳаббатга (бўлса керак): "Ҳозир", деб кўйди-да, менга юзланди.

— Шукуржон, ман ҳам маргилонликман, — деди.

— Нима-нима?


— Маргилонда туғилганман, — донна-дона қилиб айтди. — Шунинг учун маргилонликларнинг кўпини танийман... Ҳайрон қолманг! Сиз ҳам ахир бойсунликларингизни...

— Ҳўш-ҳўш, демак, қайнонамни... уф, Ҳалима опани ҳам танир экансиз-да? — Мен "қайнонамни" деб юборганим учун кулардим. У ҳам завқланиб кулганича:

— Худо тилингизга солди, — деди-да, хиёл чимирилди. — Эшитганман у киши ҳақида. Ҳозир заксда ишлайдилар... Лекин Саидахонларнинг Маргилондаги қариндошларини биламан, десам бўлади. Бу ерда, Тошкентда ҳам маргилонликлар жуда кўп.

(Давоми бор.)

НАФОСАТ БЕЛЛАШУВИ БОШЛАНДИ



Sharq go'zali — 2004

Ўзбекистоннинг спортни ривожланган мамлакат сифатидаги шухрати тобора мустаҳкамланмоқда. Афинада бўлиб ўтган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларидаги қўлга киритилган иккита

олтин, битта кумуш ва иккита бронза медали ҳам шундан далолат беради.

Шу сабабли Осиёда биринчи марта бадий гимнастика бўйича жаҳон кубогининг босқичи — «Шарқ

кўмита ҳамраиси С.Иномова, Ўзбекистон Республикаси бадий гимнастика Федерацияси президенти, Ташкилий кўмита раиси ўринбосари Л.Каримова-лар қатнашди.

гўзали — 2004» турнирини Тошкентда ўтказишга қарор қилинди.

Бундай нуфузли Жаҳон турнирига куни кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида старт берилди.

Мусобақанинг тантанали қисмида даставвал баҳслашаётган спортчилар саф тортти.

Жаҳон кубогининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташкилий кўмита раиси А. Азизхўжаев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташкилий

Иштирокчиларни қутлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномовага сўз берилди. Нотиқ барча иштирокчиларни табриклар, жумладан шундай деди:

— Юртимизда бугунги кунда кўплаб спорт турлари сингари бадий гимнастикани ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, спортнинг энг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика келажак давомчилари бўлган қизларимизнинг соғлом, баркамол, жисмонан етук бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутаяди. Бу спорт тури фақат хотин-қизлар спортни ҳисобланишига қарамай, унинг ихлосмандлари кам эмас. Машқлар давомида қизларда ҳаётини аҳамиятга эга ҳаракатланиш малакалари ва кўникмалар шаклланади, махсус билимлар ўзлаштирилади, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар ва иродалилик тарбияланади.

Ҳа, дарҳақиқат, бадий гимнастика эстетик хатти-ҳаракат қоидаларига риоя



қилишга ўргатади, жисмоний гўзаллик ҳақидаги тушунчани шакллантиради, мусиқага мос ҳаракатланишни тарбиялайди.

Шундан сўнг Республика-миз мадҳияси янгради. Унинг садолари остида байроғимиз кўкка кўтарилиб, мусобақалар бошланганидан далолат берди.


Мусобақанинг биринчи босқичи қизгин баҳслар асосида ўтди. Турнир баҳслари бугун ўз якунига етади.

Газетанинг келгуси сонларида бу ҳақда кенгрок маълумот олишингиз мумкин.

Шерзод АХМАТОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратларда: «Шарқ гўзали — 2004» дан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



МАТБУОТ АНЖУМАНИДА КУТИЛМАГАН ТАШРИФ

29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги мусобақаларининг Ўзбекистонда ўтказилаётган босқичи — «Шарқ гўзали-2004» турнирига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Турнирни Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий гимнастика федерацияси, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Миллий Олимпия кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги ташкил этди. Матбуот анжуманида Халқаро гимнастика федерациясининг бадий гимнастика бўйича техник кўмитаси, Ўзбекистон бадий гимнастика федерацияси, Миллий Олимпия кўмитаси раҳбарлари, тренерлар ва спортчилар иштирок этди.

Матбуот анжуманини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова кириш сўзи билан очар экан, Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичини ўтказиш тўғрисидаги қарор жаҳон спортини ривожлантиришда мамлакатимизнинг ўрни ортиб бораётганидан далолат беришини таъкидлади.

Шу ўринда Ўзбекистон бадий гимнастикаси тарихи 1949 йилдан бошланганини, 1951 йилдан эса бадий гимнастика Тошкент шаҳридаги олий билимгоҳларда ўргатила бошланганини айтиб ўтиш лозим. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, спортнинг бу тури ривожини янги босқичга кўтарилиди. Бугунги кунда спортчиларимиз кўплаб халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Боқуда бўлиб ўтган Жаҳон Кубоги, Венгрияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионати мусобақаларида иштирок этдилар. Йилдан йилга спортчиларимиз кўрсаткичлари ўсиб бормоқда. 2004 йил Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Олеся Ашаева бронза медали ва ёш спортчилар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда Ульяна Трофимова олтин ҳамда бронза медали соҳибаси бўлдилар. Бу мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни жисмонан ва маънан соғлом тарбиялаш, ёшларни спорт билан фаол шуғулланишга жалб этишга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Ўзбекистон бадий гимнастика федерацияси президенти, турнирни ўтказиш бўйича

ташкилий кўмита раиси ўринбосари Л.Каримова журналистларга мусобақа иштирокчиларининг таркиби ҳақида маълумот берди. Тошкент турнирига Озарбойжон, Беларус, Грузия, Исроил, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой (Тайпей), Малайзия, Польша, Россиядан таникли спортчилар ва тренерлар келди. Турнирда Ўзбекистондан беш нафар гимнастикачи қатнашади. Улар халқаро тоифадаги спорт усталари Олеся Ашаева ва Анастасия Берестецкая, спорт устаси Екатерина Бабина, спорт усталигига номзодлар Рита Алимова ва Раъно Муҳаммедовадир.

Халқаро гимнастика федерацияси бундай нуфузли турнирни ўтказиш учун Осиё ҳудудида биринчи марта бизнинг мамлакатимизни танлагани спортнинг бу гўзал турида Ўзбекистон эришаётган ютуқларни яна бир бор эътироф этгани, десак муболага бўлмайди.

Шундан сўнг Халқаро гимнастика федерациясининг бадий гимнастика бўйича техник кўмитаси президенти Эгле Абрүццини сўзга чиқди. У Ўзбекистон турнирига жиддий тайёргарлик кўрганини, машқлар ва мусобақалар учун барча зарур шароит яратилганини таъкидлади.

Матбуот анжумани якунланаётган бир вақтда бу йил Афинада бўлиб ўтган ёзги Олимпия ўйинларининг олтин медали соҳибаси Алина Кабаева кутилмаганда ташриф буурди. У журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

Шерзод АХМАТОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшма жамоаси, институтнинг ходимлар бўлими бошлиғи О.Болтаевга падари бузрукворлари

НАҒМАТ отанинг

вафот этганликлари сабабли уларнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи жамоаси Муродилла Сатторовнинг


бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.



Ҳурматли Қарши Очиров!

Сизни ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга узоқ умр ва бахт-саодат тилаймиз. Ҳамиша дўсту ёрлар даврасида шод юринг.

Чироқчи туманидаги Мирзо Улугбек номидаги 50-ўрта мактаб жамоаси



Ҳурматли Феруза Мадаминаова!

Сизни таваллуд айёмингиз ҳамда ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан чин юракдан табриклаймиз. Раҳбарлик ва педагогик фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳамза туманидаги 244-мактаб жамоаси

МУЪТАБАР КАЛОМНИ ЭШИТМОҚ БАХТИ



ва адабиёт ўқитувчиси Жамила Ғаниева билан бошлаганидан хурсанд бўлдим. Опа дарс ўтганларида гўёки синф хонаси сукунат оғушига чўмгандек сокин бўлиб қоларди. Касбий маҳорати устун бу муаллиманинг қўллаган нозик иборала-

Ta'zim

Авваллари мактаб таълими тизимини бошқача тасаввур қилар эдим. Бу пайт ўқитувчилик касби ортидаги заҳмат ва масъулият эмас, балки шу соҳа эгаларининг «Устоз ва мураббий» деган сўзлар билан аталиши менга завқлироқ бўлиб туюларди.

Эсимда, устозимизнинг ортларидан югуриб ҳоли-жонига қўймас, эдик. Эҳ, барибир, мактаб даврининг ўзига хос гашти бор экан. Ўшанда ўқитувчи бўлишни орзу қилганим эсимда. Ҳозир мен ўқитувчиман.

Амалиётни пойтахтимиздаги энг кўзга кўринган Абу Райҳон Беруний номидаги 243-ўрта мактабда бошладик. Дастлабки кунданок шу ерда ишловчи ўқитувчиларга бириктирилдик. Мен 9-синфлардан бирини танладим. Кўпчилик менга «Булар билан ишлаш қийин, сенга оғирлик қилади» дея пўписа қилган бўлди. Аммо мен таваккал қилдим. Илк кузатув машғулотини 9-«Б» синф раҳбари, она тили

рию бир-бирдан гўзал жумлалари кишини ўзига мафтун этарди.

Мен амалиёт ўтаётган талаба эмас, балки ўқувчига айланиб қолгандек эдим.


Амалиётни ҳозир ҳам давом эттиряпман. Жамила опа билан эса она-боладек бўлиб кетдик. Опанинг ёрдамларига суянапман. У раҳбарлик қилаётган 9-«Б» синф эндиликда менинг ҳам ўқувчиларимга айланди. Мен қисқа вақт ичида ўқувчилар билан тезда тил топишиб кетаман, деб сира ўйламагандим.

«Устоз» деган сўзни эшитиш бахти менга ҳам насиб этди. Су-юнганимдан, ўқувчиларга қаттиқ боғланиб қолганимдан сармаст бўлиб, оқ қоғозни қандай қоралаганимни билмайман. Хуллас, бу ҳақда кўп ва хўп тўхталиш мумкин. Мен амалиётгача бўлган ва амалиёт жараёнида ҳам устозлик қилган ўқитувчилардан миннатдорман.


Номоз ТОЛИПОВ,
ЎЗМУ филология факультети талабаси

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!


«Маънавият» нашриёти фанларни тўлақонли ўқитишда яқиндан ёрдам берадиган қуйидаги ўқув плакатларини сотувга чиқарди:



ОНА ТИЛИ. 20 кўринишда, рангли, бичими 60x84 см.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.




АЛГЕБРА. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.



ГЕОМЕТРИЯ. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.



ЗООЛОГИЯ. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.



ФИЗИКА. 20 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 11350 сўм.



ИНФОРМАТИКА. 10 кўринишда, рангли.
Бир комплектнинг баҳоси 5775 сўм.

Барча плакатларга осиб қўйиш учун қулай мослама қилинган.
Ушбу ўқув плакатларини пул ўтказиш ёки нақд пулга харид қилишингиз мумкин.
Улгуржи харид қилишни хоҳлаган харидорларга чегирма (скидка) берилади

Манзил: Буюк Турон, 41. «Маънавият» нашриёти.

Телефонлар: 136-58-99, 136-57-33, 41-53-01.

АЗИЗ УСТУЗЛАР!

Сизларни умумхалқ байрами «Ўқитувчилар ва мураббийлар кuni» билан қутлаймиз! Барчангизга тансиҳатлик, маънавий камолот, руҳий хотиржамлик, оилавий тўқислик тилаймиз!




Ҳидоят

журнали таҳририяти

Ҳонадонингизга ҳидоят нури ва барака киришини, маънавиятингиз янада юксалишини, фарзандларингиз одобли-ахлоқли бўлиб тарбияланишини истасангиз, «Ҳидоят» журналига обуна бўлинг.

Нашр кўрсаткичларимиз:

Якка тартибдаги обуначилар учун 1034,
Ташкилотлар учун 1051



Буюк аллома боболаримиз устозларининг хурматини бажо айлаб, уларнинг тахсинига сазовор бўлганлар, доимо дуосини олганлар. Улар бизга устозларимизни хурматлаш баёнида кўп насиҳатлар ёзиб қолдирганлар. Китобларни арақлаганда шундай сатрларни ўқишимиз мумкин: «Азиз болаларим, дунёда сизга отангиздек яна бир буюк зот борки, булар сизларнинг устозларингиздирлар. Уларни доимо эъзозлаш, хурмат ва эҳтиромларини адо этишингиз шартдир. Негаки, бу зотлар ҳар қандай инсоннинг руҳини тарбиялаб, уларнинг қалбини маънавий бойлик билан тўлдирдилар. Маънавий камчилик ва иллатлардан поклаб, жаҳолат деган буюк айбдан холи ва озод қилдилар. Устозлар шундай улуг зотки, улар инсониятни илм бегаги билан зийнатлайдилар, уларга ёқимли фазилатлар билан чиroy ва oro бердилар ва ҳар бир ўқувчилари қалбига йўл топиб, фойдасиз, нomaқбул иллатлардан халос этадилар. Уларни ҳақиқий комил инсонлик даражасига етказиш учун билим хазинасини қалбларига жойлайдилар. Муаллим ва устозлар шундай зотки, улар сиз-

нинг инсонлик ҳақ-ҳуқуқларингиз нималардан иборат эканлигини тушунтириб берадилар. Ярамас, ёмон ишлардан қайтарадилар ва энг яхши ишлар, фазилатлар сари йўл кўрсатадилар. Улар сизларнинг ҳар томонлама соғлом қамолга етишингизни ўйлаб, жон куйдирадилар, эл ичида эътиборга эга бўлишингизни ўйлаб, бутун куч ва им-

сиз илм туфайли фазлу шарафга, улугликка ва орзу-истакларга ноил бўласиз. Илм ва касб ўқиш, ўрганиш фазилатларнинг энг афзалидир. Илм шундай туганмас бойликки, у сизнинг ақлингизни мустаҳкамлайди, хулқингизни поклайди, табиатингизни тозалайди, ҳатто қоронғида нур бўлиб йўлингизни ёритади. Илм сизнинг ҳаётингизга

«УСТОЗГА ЖОИЗДИР
ҲАМИША ҚУЛЛУК»

кониятларини ишга соладилар».

Яна сизларга таъкидлаб шундай ёзадилар: «Азиз болаларим! Муаллим-устозингизнинг вақтлари қимматли эканлигини тушунинг, айтганларига диққат билан қулоқ солинг, чунки устозингизнинг ҳар бир они ганимат. Агар муаллимингиз сиздан савол сўраса, қулиб туриб, одоб ва икром билан чиroyли сўзларни саралаб жавоб беринг. Шунини доимо ёдингизда тутингки,

таҳсинга сазовор бўладиган янгиликлар олиб киради. У ёзишга, ижод этишга шароит яратади, дунёда бор яхшиликлар учун йўл очади. фақат яхши хислатлар билан

Устозни улуглар, ким бўлса улуг,
Устозга жоиздир ҳамиша қуллук.
Қорачик қадрини англамоқ кўп соз,
Ўша қорачиғнинг нуридир устоз.

Саломатхон ҲАСАНОВА

Никоуа

Бувимларнинг ҳикоя қилишларича, узок сафардан қайтиб келадиган карвон бир саҳрони босиб ўтаётганда кекса дарвешга учрабди. Кекса дарвеш карвонбошидан «менга бир меҳр кўрсатиб, чанқоғимни босиш учун бирор нарса берсангиз» деб сўрабди. Карвонбоши дарвешга қизил олма тутқазибди. Дарвеш эса карвонбошига етти бўклиб миннатдорлик билдирибди.

Олмани еб бўлган дарвеш олма уруғини бир тош тағига кўмиб қўйибди. Кунлар ўтгач, тош тағидан ҳаётга интилган нимжонгина ниҳол бош кўтарибди. Ниҳол сув ичмаганидан жуда нимжон экан. Тош ниҳол учун паноҳ, шу билан бирга унинг ўсишига халақит берар экан. Шундай бўлса-да, ниҳол тошга меҳр қўйибди. Бу меҳрни ҳис қилган тош ниҳолга йўл очиб, пар-

МЕХР

чаланиб кетибди. Бу воқеага гувоҳ бўлган осмон йиғлаб юборибди. Ниҳол осмон йиғисидан тўйиб-тўйиб сув ичибди.

Кунлар, ойлар ўтиб, ниҳол катта дарахт бўлиб, барг ёзиб гуллаб мева тугибди. Дарвеш саҳродан ўтаётганда чўлда ўзи кўмиб қўйган уруғ унганни кўриб уни парваришлабди.

Ҳалиги карвон сафарлардан бирида шу саҳродан ўтаётганда саҳро бағрида мўъжазгина боғ кўрибди. Карвонбоши боғ ичига кириб, бу ерни гуллаб-яшнатган ким дея сўрабди. Олма дарахтининг тагини юмшатаётган дарвеш унга қараб салом берибди-ю, аввало худо, сўнгра сиз ва мен дея жавоб берибди. Карвонбоши дарвешни кўриб танибди. Дарвеш карвонбоши ва карвондаги одамларни меҳмон қилиб, бўлган воқеани уларга сўзлаб берибди. Карвон бир муддат дам олгач, йўлга чиқибди. Дарвеш эса, ўтган-кетган карвонлар ҳолатини чиқариб, чўлни боғга айлантирибди. Демак, инсон қўли гул экан, сизлар ҳам меҳр қўйиб ниҳол эксангиз, эртага у дарахт бўлиб, инсонлар ҳолатини чиқаради, деб бувим ҳикояни тугатдилар. Мен эса, ҳикоядаги тош ниҳолга мурувват қилиб, йўл очганига лол эдим. Баъзи одамларни бағритош дейдилар. Лекин тош улар ўйлагандай қаттиқ эмаслигига амин бўлдим.

Малика ТИЛЯКОВА,
Узун туманидаги 3-мактабнинг
11-синф ўқувчиси

Ўқув муассасалари ходимлари, кутубхоначилар ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти
томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 2-синф **638 сўм**
2. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 3-синф **693 сўм**
3. В.Костецкий "Конституция алифбоси" 4-синф **777 сўм**
4. Конституция оламига саёхат 5-синф **564 сўм**
5. Конституция оламига саёхат 6-синф **680 сўм**
6. Жаҳон тарихи 7-синф **1788 сўм**
7. Геометрия 7-синф **820 сўм**
8. Ўзбекистон тарихи 8-синф **1166 сўм**
9. Чизмачилик 9-синф **688 сўм**
10. Конституциявий ҳуқуқ асослари 9-синф **725 сўм**
11. Жаҳон тарихи (кирилл) 10-синф **1420 сўм**
12. Хидоятлов "Жаҳон тарихи" 10-синф **1572 сўм**
13. Ҳуқуқшунослик 10-синф **1561 сўм**
14. Умумий биология 10-синф **1220 сўм**
15. Ўзбекистон тарихи 10-синф **1819 сўм**
16. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11 синф **1515 сўм**
17. Умумий биология (кирилл) 10-11 синф **1596 сўм**
18. Жаҳон тарихи 11-синф **1760 сўм**
19. Ўзбекистон тарихи 11-синф **1750 сўм**
20. Ҳуқуқшунослик 11-синф **855 сўм**
21. Умумий биология 11-синф **898 сўм**

Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-класс **777 сўм**
2. В.Костецкий "Азбука конституции" 3-класс **777 сўм**
3. В.Костецкий "Азбука конституции" 4-класс **777 сўм**
4. С.Зинин и др. "Русский язык" 5-класс **1015 сўм**
5. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 5-класс **497 сўм**
6. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 6-класс **879 сўм**
7. С.Зинин и др. "Русский язык" 6 класс **1045 сўм**
8. А.Сағдуллаев "История Узбекистана" 6 класс **890 сўм**
9. Литература 6-класс **2420 сўм**
10. В.Костецкий "Путешествие в мир конституции" 7-класс **495 сўм**
11. Русский язык 8-класс **605 сўм**
12. История Узбекистана 8-класс **1166 сўм**
13. Основы конституционного права 9-класс **1206 сўм**
14. Общая биология 10-11 класс **1596 сўм**
15. Русский язык 10-11 класс **1000 сўм**
16. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс **1829 сўм**
17. Г.Хидоятлов "Всемирная история" 10 класс **1420 сўм**
18. История Узбекистана 10-класс **965 сўм**
19. Всемирная история 11-класс **1075 сўм**
20. История Узбекистана 11-класс **1170 сўм**

Диққат! Диққат! "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси яқин кунларда 6-синф учун тарих дарслигини илк маротаба лотин алифбосида ҳамда химия (7-синф), география (6-синф), география (8-синф) дарсликларини ўзбек ва рус тилларида чоп этади.

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Улгуржи харидорларга чегирма (скидка) берилади.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр),
тел: 133-58-72, 133-35-90

Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси),
тел: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 71. тел: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.
Тел: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Аҳси кўчаси, (Сардоба бозори ёнида)
тел: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона "Ичан-Қалъа", тел: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14, тел: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-микрорайон, 9-уй, тел: 227-66-44.
Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси, 1, тел: 92-942.
Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги "Илм шуъласи" ОАЖ бозори.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Нархлар сизни қаноатлантиради!



Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Ҳақ таълими вазири, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҚОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-1129.
Тиражи 19844. 1 2 3 - 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Хусан НИШОНОВ.
Навбатчи:
Беҳзод ФАЗЛИДИНОВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга юборилган материаллар муаллимга қайтарилмайдилар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Е-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Xullas...

БАРМОҚ ИЗЛАРИ «ҚАРИМАЙДИ»

Бундан роппа-роса ўн бир йил муқаддам Молдавиянинг Чимишли туманидаги Михайловка қишлоғида Дмитрий Г. деган шахс ўғирлик содир этган эди. Шуниси борки, баъзан жиноятчиларнинг изини топишга орган ходимларининг кучи ва маҳорати етарли бўлмай қолади. Дмитрийга ҳам шундай «бахт» насиб қилиб, катта миқдордаги пулни ўмарган йигит Приморье ўлкасига қараб жуфтакни ростладию, роппа-роса ўн бир йил шу ерда даврини сурди. Биров танимаган, биров билмаган Дмитрий энди «маҳаллий»лардан бирига айланиб улгурган эди.

Молдавия полицияси жиноятчини топишдан ҳамон умид узмаганди. Чимишлилик милиция ходимлари Владивостокка ташриф буюришиб, шўбха остидаги шахсни қўлга олдилар. Жиноятчининг бармоқ излари тушиб қолган ўша уйдаги буюмлар, милиция ходимларининг кетма-кет берган саволларига жавоб беролмай довдираши... хуллас, ҳаммаси унинг жиноятчи эканлигини исботлаб турарди.

Ҳайратомуз бир ҳулоса: орадан шунча йил ўтса ҳам бармоқ излари «қаримаган» экан...

ЭНГ КАТТА ТҮЙ

Гап минглаб кишилар иштирок этган битта тўй ҳақида кетаётгани йўқ. Минг жуфтдан зиёд эр-хотин иштирок этган бу тўй хали дунёнинг ҳеч қайси мамлакатига ўтказилган эмас. Бундай ютуққа Мексиканинг пойтахти — Мехикода яшовчи оилалар эришди.

Тўй учун кетадиган харажатларни маҳаллий ҳокимият ўз зиммасига олди. Улар оммавий никоҳ маросимини ўтказиш таклифини ўртага ташлаганларида, шунча оила йиғилади, деб ўйламаган эдилар.

Муниципалитет бошлиғи Луис Санчес журналистларга интервью берар экан, ҳеч ким шампан виноси ва тортдан бебаҳра қолмаганини, ҳаттоки эрхотинларнинг никоҳ гувоҳномасини кўздан кечирувчи шахс — нотариус ҳам энг катта тўйнинг иштирокчиси бўлганини таъкидлади.

ИТАР—ТАССдан берилган хабарга кўра, бундай маросимларнинг ўтказилиши оилалар тотувлигини мустаҳкамловчи омилдир.

ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди —